

О.С. Содиков

**Тоғдаги
саргузашлар**

Тошкент
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти
2006

84(59)6-4 УЗБ. 024.2428.—


ҲИҚОЯЛҲР

О. С. Содиқов нафақат геолог олим, балки яхшигина қалами бор бўлган ҳаваскор ёзувчи ҳам эди. Албатта, домла ўзининг ёзувчилик машгулотига кўнгил иши, тўеририоги бир ҳавас деб қараган, аммо ундаги айрим ўринлар, айниқса, табиат тасвири нозик дидли адабиёт мухлисига ҳам манзур бўлиши шубҳасиз.

Кўлингиздаги китоб тогликлар, уларнинг характеристи, урушдан кейинги оғир ишлар, севги-муҳаббат ҳақида. Азамат ва Нозикойларнинг самимий муҳаббати, Баҳринисо хола, Абдуллајон ака, Яхшибой оталарнинг ҳаётий тажрибалари сизни бефарқ қолдирмайди деб умид қиласиз.

Китобнинг яна бир қимматли томони шундаки, унда ер ости бойликларининг пайдо бўлиш жараёнлари, бунга таъсир қитувчи омиллар, бирор маъдан ёки қазилма бойлиқдан дарак берувчи белгилар ҳикоялар замирига, қаҳрамонлар нутқига сингдириб юборилган. Бинобарин, ушбу асарни ўқиётган китобхон ундан нафақат бадший завқ, балки илмий маълумот ҳам олади, табиат, атроф-муҳитда бўладиган ўзгаришларнинг сабаблари ҳақида тасаввур ҳосил қиласди.

10 32338
2g,



ISBN 5-648-03440-7

© Ўзбекистон Республикаси
ФА «Фан» нашриёти,
2006 йил

Муаллиф ҳақида

Ориф Содиқов 1901 йилда Кўқонда туғилган. 1929 йилда Ўрга Осиё саноат институти физика-математика факультетининг төр-геология бўлимига ўқишга кирган. 1935 йилда ўқишни муваффақиятли тугатиб, металл фойдали қазилмалар бўйича геологоразведка инженери ихтисослигига зга бўлади ва Ленинград төр-кон институтининг «Умумий геология ва геотектоника» кафедраси аспирантура сига қабул қилинади. Аспирантура даврида унинг томонидан Чотқол төр тизмаси ҳудудида жойлапгав бир қатор қўрошин ковлари камш этилган бўлиб, улардан Сумсар конидан ҳозирги кунда ҳам фойдаланилмоқда.

О. С. Содиқов 1939 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб Тошкентга қайтади ва 1940 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Геология институтига ишга киради. 1944-45 Ўзбекистон Даълат геология бошқармаси бошлиғи, 1945-1959 йилларда эса Ўрга Осиё политехника институти геологоразведка факультети доценти ва декан лавозимларда хизмат қилди. 1949 йилда собиқ СССР Олий совети Фармонига биноан унга III тоифали төр-кон директори узвони берилди.

О. С. Содиқов илмий-педагогик фаолиятида икки жиҳат алоҳида ажralиб туради: биринчisi, ер ости фойдали қазилма бойликларни излаб топиш, геология бўйича назарий тадқиқотлар олиб бориш, иккинчisi, юқори малакали геолог кадрлар тайёрлаш. О. С. Содиқов биринчилардан бўлиб қазилма бойликларнинг пайдо бўлишидаги кўп босқичлилик ҳамда унинг об-ҳаво, гашқи муҳит ва тектоник ҳаракатлар билан боғлиқлигини асослаб берди. Геолог кадрлар тайёрлаш соҳасида эса С. Содиқов ўйлаб шогирдлар етиштирган устоз муаллимдир.

О. С. Содиқов 1959 йил 23 июнда Тошкентда вафот этди.

ТИНЧЛИК МАНЗАРАСИ

Кун чиқар тарафдан келиб, қишлоқ ўртасидан кесиб ўтган, энига икки арава сиғадиган текис йўлнинг чап тарафидан тик пастлик бўлиб, унинг усти ҳар хил терак, қайрағоч, жийда, ёнғок, олча ва қуриган ўрик дарахтини ўраб олган узум ва бошқа ўсимликлар билан чиройли манзарани яратар ва кўрган одамнинг руҳини кўтарарди. Йўлнинг ўнг тарафидаги ариқчадан тинмасдан чўлдираган овоз билан оқиб келаётган булок суви устидан кўтарилган буғ ҳаво совук бўлгани учун ариқ бўйлаб кўрина бошлади.

Ариқча бўйида кичкина саҳнили текис майдонча мавжуд бўлиб, унинг гирд-атрофи икки терак бўйи баландликдаги ёнбагирликдан тузиленган, усти эса сунъий ўрмонга айлантирилган. Вояга етиб, бинокорлик ишига ярайдиган бўлиб қолган бу дарахтлар бир-бирига яқин экилганлигига қарамай, уларнинг шох ва бутоқлари усталик билан кирқилганлиги сабабли унинг ич-ичи узок жойларга қадар кўринар эди. Бу чакалакзор чеккасидаги текислик устига бундан анча йиллар муқаддам солинган кўшсингчи уй ва бир узун айвоннинг тўсин, устун, дераза, эшик ва вассалари эскириб, тутун таъсирида корайиб, ялтираб қолган, бинонинг қадди бир тарафга озрок мойиллашгани кўринарди. Бу бино ёнига жипслаштириб икки пойдевор тоши баландлигига кўтариб, енгилтинга қилиб шийпон солинган. Бу шийпоннинг ичкари тарафида яхшилаб қирилган терак, тахтадан ясалган стол ва курсилар кўйилган. Шийпоннинг ташқариси ҳам шундай безалган. Бу жойни идорага иш билан келган колхозчиларнинг дам олиши учун тайёрлангани кўринарди. Шийпоннинг бир бурчагига самовар кўядиган супача ва токчалар килиниб, улар усталик билан оқланган ва лажувард билан ҳар хил қушларнинг сурати солинган. Ёз фаслида салқинлаб дам олиш мақсадида шийпоннинг ўнг ёнидан кичкина ҳовузча кавланган. Кўча ва бино атрофлари тоза, текис бўлиб, бундаги одамларнинг хуштаби-

ат эканлигига шубҳа қолдирмас эди. Бу жойни курган ҳар бир одамда ушбу манзарага ишқибозлик тугилиб, беихтиёр бир оз тўхтаб, уни томоша қилиш истаги, бу жойни яна бир кўриш орзуси пайдо бўлар эди.

Энди тарқалаётган туман бағридан хиёл кўзга кўринаётган бино ичидан тутун қорайтириб хиралангандан лампа шишадан зўрға атрофга сочилаётган чироқ нури ёруғида, ҳисоб-китоб қилиб ўтирган икки одам дам-бадам, худди бирорни кутгандек ёки бирордан хавотирлангандек, бино ёнидан ўтган йўлга караб, ҳеч кимни кўрмагач, яна ишларини давом эттирадилар.

Буларнинг бири сочига оқ оралаган, чўкки соқол, ўрта бўйли, кенг елкали, йўғон одам бўлиб, у қўлида ушлаб турган бир тўплам қофозни вараклаб, унинг ичидан керагини ажратиб олиб, унинг мазмунидан хабардор бўлгач, бу ҳужжатни ўз ёнида чўт уриб ўтирган ва елкаси худди тўнини остидан ёстиқча боғлагандек бўртиб чикқан букри, қадди эгилган, ориқ, котмадан келган, ранги захил ва хушёқмас одамга, мана деган овоз билан таъкидлаб топширас эди. Бу ҳисобчи баъзан ўрнидан кўзғалиб «ўҳ», деган овоз билан ўзининг чарчаганини билдириб, ёнидаги шеригига қараб кўлларини бўйин орқасида бир-бирига туташтириб икки тарафга бурилиб, елка суякларини қирсиллатгандан сўнг, бошидаги ёғ босиб, тарҳи бузилган, чуст нусха дўпписини бир оз кўтариб, бошини қашиб, унинг кепагини, кора тўнининг елкасига тўкиб, носқовоқни тишига уриб, кераклик микдордаги носни оғзига солгандан сўнг, ўзига берилган қофозларни ўқиб кўриб, мазмунини дафтарга ёзар эди.

АЗАМАТ

Буларнинг кўзи аскарлик хизматидан қайтиб келаётган бир йигиттга тушди. Йигитнинг бошидаги телпагига беш бурчакли қизил юлдуз қадалган, шинели устидан белига энлик камар боғланган, оёғига янги этик кийган, хасталик орқасида ранги бир мунча сарғайган эди. Унинг кийган уст-бошлари ўзига ярашган, елкасига рюкзак осган холда қўлидаги ҳассасига

таяниб жуда эҳтиётлик билан қадам ташлаб, қишлоқнинг бош тарафига йўл солиб, бино олдидан ўтди.

– Бу йигит кимлигини билдингми? – деб, чўт уриб ўтирган буқридан сўради, чўкки соқолли, ўқиб ўтирган қоғозларидан кўз олиб.

– Йўқ. Агар аскарликдан келган бўлса, унга озиқ-овқат бериш керак бўлади. Омбор қурийдиган бўлди, – деб пичинг ила жавоб берди у.

– Ха, Қодиржон, сенга нима бўлди? – деб унга қаради колхоз раиси Абдусамад ака, – наҳотки, сен пичинг қилсанг. Бу айтган сўзларинг яхши эмас-ку. Бу йигит бизни мудофаа қиласман деб қон тўкиб, ярадор бўлиб қайтиб келса-ю, биз бу ерда бола чақамизнинг олдида тинч ётиб, келган одамни меҳмон қилиш ўрнига шундай мулоҳазаларга бориб ўтирасаг-а, яхши эмас ука. У ҳали бизни кўргани ҳам, бирор нарсага муҳтоҷлигини айтгани ҳам йўқ-ку.

– Озиқ-овқатни таркатиб юбораверсак ўзимиз нима еймиз, Абдусамад ака? – деб букри унинг сўзини бўлди.

– Кўнглингни кенг кил, нарса топиллади, одам топилмайди. Овқатнинг умри қисқа, – дея чўрт кесди раис.

Армиядан қайтиб келаётган йигит оқсаб, секин-секин юриб, колхоз идораси ёнидан ўтиб, туман ичидан кўздан ғойиб бўлди. У қишлоқнинг тўрига етиб, бир каттакон тут тагида тўхтади ва унинг ёнидаги пастаккина дарвозани оҳиста тақиллатди, лекин ичкаридан жавоб бўлмади. Йигитда бир дақика ҳаяжонланиш сезилди. У озроқ уйланиб тургач дарвозани иккинчи марта қаттикроқ тақиллатди. Бу сафар ҳам ичкаридан жавоб бўлмагач, ноилож қуёш нурлари остида қақшаб кетган тахталардаги ёриклардан бири орқали кўлини сукиб, дарвоза тамбасини очиб, ховлига кирди ва «буви-буви» деб чақнаган кўзлари билан атрофдан онасини кидира бошлади. Аммо унинг кўзи устидан занжирлаб чўп тикиб кўйилган уйнинг эшигига тушди. Уйда ҳеч ким йўқлигига тушунгач, онам бирор жойга кетган бўлсалар керак, дадам ҳам ишда бўлсалар керак, деган хаёл билан елкасидаги қопчасини айвоннинг токчасига кўйиб, ўзи уйга кирди. Уйнинг ичи чанг босган ва бесаранжомлиги-

дан, бу ерда кўпдан бери ҳеч ким яшамаётганлигини сезиб юрагига номаълум бир хавотир тушса ҳам, - онам қариб қолганилар, ёрдамчилари бўлмаганлиги туфайли уйни тозалай олмаган бўлсалар керак, деб кўнглига таскин берди. Шинелини қозикка осиб, оғилхонадан тезак ва ўтин олиб чиқиб, ўчокқа ўт ёқиб, пўстак устида ўтириб, исиниб, дам ола бошлади.

Бу уйда хаёт бошланиб, мўридан чикқан тутунни кўрган кўшниси Баҳринисо хола ҳодисага таажжубланиб, девор тешигидан қаради ва қўшни ўғли Азаматнинг аскарликдан қайтиб келиб, ўт ёқиб ўтирганини кўргач, дарҳол бу ерга чикди. Азаматни бўйнидан қучоқлаб, пешонасидан ўпиб, эсон-омон келдингми, болам, деб хурсанд бўлганидан кўзига ёш олди. Ҳол-аҳвол сўрагандан сўнг, Азамат отам билан онам соғ ва саломат бормилар? Улар қаерга кетишган? - деб сўради.

Бундай саволга Баҳринисо хола ўпкасини тутиб ололмай ва кўз ёшини тўхтатолмасдан бир қанча вақт тилсизланиб жавоб беролмай қолди. Азаматни бетига қараёлмай тинмасдан кўз ёшини тўка бошлади.

Азамат ўз саволини бир неча маротаба такрор қилгандан сўнг Баҳринисо хола ноҷорлик орқасида:

– Дадангнинг қазо қилганларига уч йилдан ошди. Сенга хабар берайлик деб маслаҳат қилган эдик, кўпчилик ёзиб уни хафа қилманлар деб йўлдан қайтарди, – деди.

Азамат отасининг ўлганига кўп хафа бўлиб, қўлидаги хасасига суюниб, токчага тирсагини кўйиб, бир қанча вақт ҳеч нарса деёлмай, ерга қараб қолди. Сўнг онасини сўради.

– Сендан хабар келмай қолди, отанг вафотидан сўнг, бутунлай ёлғиз бўлиб колдим деб онангнинг қайғуси кўкка етди. Сендан хат келишини кута-кута охир умидсизланиб, ўғлим нобуд бўлганга ўҳшайди, унинг гулдек жасади қайси ерда қолди экан, деб қайғу-ю ҳасратга чўмди. У кишини юпатишга ва кўнглига таскин беришга ҳеч кимнинг кучи етмади ва охири касалга чалиниб қолди. Хасталик орқасида ётиб қолди ва тўшагидан турмай, охири вафот этди, – деб жавоб берди Баҳринисо хола.

Бу гапларни эшитган Азаматнинг баданларига қалтирок,

юрагига кутилмаган кўркинч югурди, пешанасидан мунчоқ-мунчоқ терлар оқиб, ахволи оғирлашди. Отамдан ҳам, онамдан ҳам ажрабман, чинакам етим бўлибман, деб лабларини пичирлатди ва унинг кўзидан марвариддек ёшлар куйила бошлиди.

Баҳринисо хола нима қилайлик, ўғлим, такдир шу эканда. Кўй, кўп йиғлама. Ота-онангнинг имонини тила, деб Азаматнинг кўнглига таскин бермоқчи бўлса-да, унинг қайғуси бит-мас-туғанмас ва ота-онасининг вафоти аламли юрагини тин-масдан куйдирап эди.

Баҳринисо хола токчадаги қумғонни олиб, булоқ сувига тўлғазиб, ёниб турган ўт олдига қўйди ва ўчоқ олдидағи пўстак устига кўрпача солиб, ўзи қўшнисини чакириб чикди. Бу хотинлар Азаматни кўриб, ҳол-аҳвол сўрашиб, кўп кўз ёш қилдилар. Қўшнилар бир оз ўтирганларидан сўнг Азаматнинг уйини тозалаш лозим бўлгани учун уни Баҳринисо хола ўз уйига олиб чикиб, сандалига жой солиб ўтқазди. Қумғон қай-наб улгурмай, оёғидаги ярасининг оғриғига қарамай, узоқ йўл юриб чарчаган, ота-онаси вафотига қаттиқ куйган Азамат кучдан кетиб, ўтирганча ухлаб қолди. Қўшни хотинлар Азаматнинг уйини тозалаб, сандалини қуриб, унинг устига дас-турхон ёзиб, уйни тартибга солдилар. Азамат келиб, сандалга ўтиргандан сўнг келган қўшнилар ҳам унга ота-онасининг қандай вафот этганларини ва ҳозирги кишлок турмушидан хабар бердилар. Шу аснода кишнинг кисқа куни охирига етиб, коронгу туша бошлаб чирок ёқилди ва хотинлар уйларига тарқаб кетдилар.

Яқин кунларда ота-онаси олдида ўйнаб юрган Азамат энди бу жимжит ва сукунат чўккан уйда ўзи ёлғиз қолиб, ҳар тарафга қараб, охири хўрлиги тутиб, кўзига ёш олди. Уйқуси келмай, ҳар тарафга айланиб, уҳ тортиб, охири хаёли армия хизматида бўлғанлари, хизмат битиб, уйга кайтар вақтида уруш бошланиб қолиб бир неча маротаба душманни олдиларига солиб қувганлари, ўзининг взвод командири бўлиб тайинла-ниши ва ундаги шодлиги, маҳсус буйрукни бажариб, немис-ларнинг уч солдати билан иккита офицерини кўлга тушириб,

штабга олиб бориб топширгани туфайли қўмондонлик томонидан олий мукофотга сазовор бўлгани каби воқеаларни эслади. Охири хаёли уни ярадор бўлиб, бир неча вақтдан сўнг кўзини очиб, ўзини касалхонада ётган ҳолатда кўрганига олиб келди. Тузалгандан сўнг поездда келганларини ва унга ҳамма хурмат билан қараганини, қишлоғи яқинигача машинада бепул олиб келиб қўйишганини бирин-кетин хотирасидан ўтказди. Сўнгра узок вақтлар қишлоқда бўлмагани, бу давр ичидаги ўзи ва қишлоқдошлари бошига уруш туфайли тушган кулфатлар, оғир кунлар ва қанчадан-канча одамларнинг вафот этиб кетганлари, ўзининг ҳам ота-онадан айрилиб чинакам етим бўлганлигини ўйлади. Армия хизматига кетаётган вақтидагига қараганда ўзида бир мустақиллик ва кўп нарсага ақли етиб қоладиган бўлганлигини хис қилди.

Эрта билан Азамат уйғонган вақтда эшиқдан Баҳринисо хола қўлида бир кўрак чўғ билан кўринди. Оловни сандалига соглач, бир чойнак кўк чой билан дастурхонга ўралган иккита иссиқ қатлама олиб келиб сандал устига кўйиб, ўзи ҳам ўтириб Азамат билан нонушта қила бошлади. У ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтириб Азамат ўртоги Пўлатжонни суриштириди.

- Сен кетгандан сўнг уруш бошланар олдида ўртогинг Пўлатжон ҳам армияга кетган эди. Ундан уруш бошлангандан сўнг ҳам беш-олти ойгача хат келиб турди-ю, кейин урушда ўлди деган қора қофоз келди. Мен ҳам кўзимни оку қораси ёлғиз ўғлимдан айрилиб қолдим, – деб Баҳринисо хола кўзига ёш олиб, ўз дардини айтиб йиглади. Бунинг устига поччангиз Мамасоли ака ҳам касалманд бўлиб юриб охири очликка чидолмай вафот килди. Шундай бўлиб, ҳаммадан айрилиб, икки ҳовлида ёлғиз ўзим қолдим, сенинг келишинг менинг кўнглимни кўтарди ва бошимдаги оғир юкни ташлагандек бўлдим. Энди мана шу икки ҳовли ва улардаги мол-мулкларни сенга топширдим, болам, ўзинг бошчилик кил. Сен менинг ўғлим бўлиб қол, мендан вақти - бемаҳал хабардор бўлиб тур. Бир умрингта юз умр берсин.

Буларнинг бошидаги ҳасратнинг тасвири тамом бўлгани ҳам йўқ эдики, эшиқдан колхоз раиси Абдусамад ака, унинг

муовини ва яна бир неча колхозчилар Азаматни қўргани келдилар. Уларнинг қўлида гўшт, ёғ, ун ва бошқа егуиклар бор эди. Бу нарсаларни Азамат Баҳринисо холанинг қўлига топширди, ўзи меҳмонларни иззат билан кутиб олди.

Азамат билан илк танишган одамлар, унинг жуда одамижон йигит бўлгани ҳакида ўзаро сўзлашдилар ва бир-бирларига уни мактадилар.

Абдусамад ака орадан кўп вакт ўтмасдан Азаматни колхоз идорасига чақиртириди, ҳол-ахволини сўрагандан сўнг, ундан колхоз фермасидаги қўй, эчки, сигирларни бокишига ёрдамлашишини илтимос қилди. Азамат ҳам рози бўлгач, раис ундан ўз ўйидаги ва Баҳринисо хола ўйидаги оғилхоналарни бир оз тузатишни илтимос қилди, молларни ҳозирча, колхоз фермаси анча оғир ахволда бўлгани учун, ўша ерда бокиб туришга тўғри келади. Кейинчалик яна уйлар ҳам қуармиз. Оғилхонани тузатган вактингда колхозчилар ёрдам беради, ўзим киламан деб яна узиликиб қолма. Ҳамма нарса тайёр бўлгандан сўнг Абдуллажон аканинг қўлидаги моллардан бир қисмини ажратиб берамиз, унга ҳам жуда жабр бўлиб кетди, ўғлим, деди.

Бу сўз Азаматта ҳам маъқул тушди. Азамат оз кун ичида икки оғилхонани тузатди ва уларга колхоз молларини жойлаштириб боқа бошлади. Қишилласи ярим бўлмасданоқ қорқалин тушиб ҳайвонларни подага олиб чиқиши тўхтади. Ёз бўйи йигилган хашакни молларга оз-оз берганда икки уч ҳафтага зўрға етар эди. Хашак камлигидан моллар борган сари орикламоқда эдилар. Айниқса соғин сигирларнинг сут беришдан тўхтаб қолиши хавфи катта эди. Агар қўшимча озука топиб берилмаса моллар кирилиб кетиши ҳеч гап эмас эди.

Ориқ молдан қанча гўшт чиқарди? - деган қўркинч ҳамманинг фикрини ўзига жалб қилган. Бу ахвол колхоз бошқаруви мажлисини чақиришга мажбур қилди. Мажлисда қор эриб кетгунча кишилар ўйида сақланаётган похолларни йигиб молларга беришга қарор қилдилар. Бу похолларнинг кўпи эски бўлгани сабабли уларни мол ейиши даргумон эди.

Мажлисда ўтирган Азамат колхоз бошига қанчалик оғир

тушганини сезди, иккинчи куни колхозчилар похолларни олиб келиб бера бошладилар.

Азамат озука ғамлаб Баҳринисо холага молларни ташлаб, ўзи район марказига ярасини кўрсатгани кетди.

Касалхонадан чиқиб чойхона олдида ўзи фронтдан қайтиб келган Темирбойни кўриб қолди. Самоварда чой ичиб ўтиришиб, бошларидан кечирган ҳар хил воқеаларни сўзлашдилар.

Азамат колхоздаги ишлар сустлик билан кетаётгани, айниқса чорва ишлари жуда оғирлиги, молларни бокишига озука йўқлиги, уларнинг очлиги, сигирлар сут беришдан тўхтаб қолгани, агар бирор ўзгариш қилинмаса молларнинг ярмидан кўпи нобуд бўлиши ҳакида ўз ўртоғига ачиниб сўзлади. Темирбой ўртоғининг сўзига яхши қулоқ солиб, пахта заводида чигит пўчоги билан кунжара олиш мумкинлигини Азаматга билдири ва бунинг йўл-йўриқларини кўрсатди. Темирбой ўз сўзи охирида ўзининг пахта заводида ишлаётганини ва Азаматга, агар от арава топиб келса, чигит пўстлоги олишга ёрдам қилишини айтди.

Азамат йўловчи аравага тушиб эртасига ёқ қишлоққа етиб келди-ю, уйига бормасдан колхоз идорасига кириб ҳеч кимни учратолмади. Ундан ўз уйига бориб, кунжара билан чигит пўчоги олиш мумкинлигини Баҳринисо холага сўзлаб берди. Бир оздан сўнг колхозчилар Азаматнинг уйига чигит ҳакида гапни суриштириш учун йигилиб келдилар ва колхоз идорасига бориб ўзаро маслаҳат мажлиси ўтказдилар. Мажлисда Азамат кунжара билан чигит пўчогини заводдан қандай олиш мумкинлиги, ўртоғи Темирбой ёрдам беришга вაъда қилганини айтди. Музокарада биринчи бўлиб сўзлаган Қодиржон Азаматнинг фикрига шубҳа билдириди. У ўз сўзида: от арава, мол ва одам овора бўлиб, заводга борсак, улар биз кунжара билан пўчоқ беролмаймиз десалар, нима бўлади. Шу совукда итдек овора бўлганимиз қолади. Заводдан нарса олиш осон бўлса биздан бошқалар ҳам олар эдилар. Буни шошилмай ўйлаб кўриш керак, деди.

Норқўзи ака эса ўз сўзида Қодиржоннинг гапини маъқуллаб, заводдагилар бизга пўпанак босган, мол емайдиган чигит

пўчоқ билан кунжарани беришларигина мумкин. Яна пули-мизни заводга бериб куйиб қолмайлик. Овора бўлишнинг ҳожати йўқ. Агар ҳаво исиб кетса подажой очилиб қолади. Бир оз шошилмай турайлик. Ўзимизни уринтириб қўймайлик. Совуқни кўрамаяпсизларми?.. Чуқурроқ ўлаш керак, деди. Бекорга овора бўлишнинг нима ҳожати бор, деди.

Мамарасул ака буларнинг гапларини кескин бўлиб, биз молларни очдан ўлмаслиги ҳақида жон кўйдирсак, бу ўртоқлар қийналиб қолишлари ҳақида гапирадилар. Бундай сўзлар билан молларни сақлаб қололмаймиз. Бу ўртоқлар уйларида ўтирасинлар, уларнинг хотинлари сандалига ўт солиб совуқда қотиб қолмаслик чорасини кўрсинлар. Биз районга бориб ем-озуқа олиб келамиз, деди.

Бахринисо хола молларга емиш бўлмаса, улар бир-икки ҳафтада болаларини ташлаб қўядилар ва ўзлари ҳам кейин ўтлолмайдилар. Кодиржоннинг сўзига кирсак мол кирилади. Олти яшик асалариларнинг асалини еб, очдан ўлдириб юборганидек, у молни ҳам кирмоқчи. Бундай беҳиммат, юрагида ўти йўқ, хотиндан ҳам хароб эркакнинг бўлганидан бўлмагани яхши. Бунақа одам сандали ёнида шалпайиб, чалпак есин. Молларга озуқа излаб биз, хотинлар ҳаммамиз борамиз, деди.

Абдусамад ака Азаматга қараб:

– Сизни бир мунча хижолатта солдилар, хафа бўлманг. Хизматга тухмат деганлар-ку. Ҳозирдан ҳаракат килиб ҳар қандай оғирликларга чидам бериб чигит пўчоқ, ва кунжара олиб келишни сизга, Абдулла ака, Яхшибой оталарга топширамиз, шуни дархол бошлаб юборинглар, - деди.

Кейин йўлда кетаётуб Яхшибой отага қараб:

– Мен Кодиржонни мулла, ақлли деб юрсам, у тентаккина экан, - дея қўшимча қилди.

– Унинг тентаклигини энди билдингизми. Кодиржоннинг отасини Байтал Максим деб атар эдилар. У одам икки-учта байтал бокиб тойчогини сотар эди. Озроқ ери, каттагина боғи бўлишига қарамай, жуда хасис, бир бурда нон устида уч марта думалоқ ошарди. Элга қўшилмасди, сўзларининг сассиклиги ва бесьманилигидан гапидан мағзава иси келади, дейишар-

ди. Кодиржонни ёшлигидан, отасига ўхшагани учун, «байталча» деб болалар кўпинча калтаклар эдилар, – дея жавоб берди Яхшибой ота.

Улар уйларига етгунча гаплашиб боришиди. Мажлисдан сўнг эшаги борлар уни тўқимлаб, идора олдига олиб кела бошладилар.

Колхознинг от, туя, хўқизларини тайёрлашиб идора олдига етаклаб келдилар. Қанор, қоп, арқон, шовин ва бошқа керакли нарсаларни тайёрладилар.

Йўлда Яхшибой ота ва бошқалар колхоз ҳисобчиси Кодиржоннинг еган овқати коринларида узок сақлансин учун болаларнинг белбоғларини маҳкам қилиб боғлатиб кўйиши ҳақида ва бошқа қизик-қизик ҳикоялар, асқиялар айтишиб, қизикчилик қилиб бордилар. Суҳбат қизиганлиги сабабли йўлдаги изгирин совук уларнинг эсига ҳам келмади. Бу сўзларга Кодиржоннинг аччиғи келса ҳам, ҳеч нарса деёлмади.

Кечкурун заводга етиб келдилар. Кун кеч бўлиб қолганлиги сабабли ҳеч бир иш битмади. Эрталаб керакли пулни банкдан заводга ўтказдилар. Чигит пўчоқ ва кунжарани араваларга ортиб кечаси йўлга чиқдилар ва тонг отарда қишлоққа етиб келдилар. Шу тарзда заводдан уч маротаба чигит пўстлоги ва кунжара олиб келинди. Кейинчалик Темирбой ўзи уч тонналик машинада яна кунжара билан чигит пўчоқ юборди.

Колхоз моллари жонланиб, сигирларнинг сути кўпайиб, анча тўқчилик бўлиб қолди.

Азаматнинг бу килган ишидан қишлоқ аҳли хурсанд бўлди.

Кор эриб, кунлар бир оз исиб молларнинг подага чиқиш имконияти туғилди.

Моллар болалай бошлади. Азамат туғадиган молларни ажратиб, бошқа уйга қамаб кечалари ухламасдан энди туғилган бузоқларни иссиқ жойга кўчириб, ҳеч бирини нобуд қилмай ҳаммасини сақлаб қолди. Баҳор ёмғири бошланиб, учтўрт кун тинмай ёғди ва кўпчиликнинг оғилларидан чакка ўтиб кетди.

Ёмғир тингач, Абдуллажон ака, ювилиб кетган молхона деворини тузатмок учун колхозчиларни ҳашарга чақирди.

Хашарда Азамат ҳам иштирок этди. Иш тамом бўлгандан сўнг ҳашарчиларга овқат тортила бошлади. Азамат таом ташувчиларга қараб ўтирас экан, кўзи ичкари эшик олдига иккита чини косада мастава олиб келиб отасига узатаётган қизга тушди-ю юраги ўйнаб, кўзлари чақнаб кетди. Қиз аллақачон ичкарига ғойиб бўлганига қарамай, у беихтиёр ичкари эшик томонга қараб қолди. Азаматнинг кўзи ўз қизига тушганини сезган Абдуллажон ака рашк қилганини билдирамасликка ҳаракат қиласа ҳам, бетининг қизариб кетгани юрагидаги сирни билдириб қўйди. Бу ахволдан хабардор бўлган Азамат бир кадар хижолатниб, Абдуллажон акани хафа қилиб қўймаслик ташвиши остида, қизни кўрмаган киши сингари бошини бошка тарафга ўтиргди. Ўз ёнида ўтирган одамга узоқ ёқдан ёмғирнинг кўп жойларни ювиб кеттанидан шикоят бошлади.

Азаматнинг кўнглида қизни кўриш ҳаваси мавж урган бўлсада, бундай ҳаракат орқасида беадаблик қилиб қўйсам нима бўлади, деган фикр ўзини тутиб олишга мажбур қилди. У овқатланиб, ҳашарчилар билан бирга ҳеч бир ёққа қарамай чикиб кетди.

Бу кеча Азаматнинг рухи кўтаринки ва у чарчамагандек эди. У узоқ вақт молхона ичида молларнинг тагини тозалаб, уларга ем солиб, ҳаммасининг ҳолидан хабардор бўлгач, тинч-иб уйга ётгани кирди. Сандали ёнига жой солиб ёстиққа бош қўйган Азаматнинг ҳадеганда уйқуси келмади. Унинг хаёли Абдуллажон аканинг уйида кўрган қизда бўлди. Азаматнинг кўз олдига келишган нозик гавдаларига ярашган ипак арқок кўйлак кийган, бошидаги фаранг дурра остида юлдузdek чақнаган икки қора кўзи билан боқиб кулимсираб турган оқ юзли, узун қора Кошли қиз келди. Унинг фикри ҳар тарафларга кетиб қолар, кулимсираб шодланар ва ётган жойида ҳар тарафга айланар эди. Қизнинг ҳусну жамоли Азаматнинг кўз олдидан кетмас, унга тинчлик бермас эди. У қизни тузукрок кўраман деганда унинг эшик орқасига ғойиб бўлганини қайта-қайта эслаб, кўз олдига келтиради. Бугунги кун Азаматни хурсанд қилиш учун яратилгандек бўлиб туюлди унга. Бугун ўтказган вақти унинг ҳаётидаги энг ширин онлар эди.

Абдуллажон ака Азаматнинг меҳнаткаш, серҳаракат ва соғкўнгиллиги учун унга ёрдам бериб, шафқат назари билан қарай бошлади. Улар ўртасида бир-бирларига ишонч ва яқин алоқа бошланди. Абдуллажон акага нисбатан Азаматда ҳам эътиқод, меҳр-муҳаббат кундан-кунга ортиб борди. Абдуллажон акадан кўп ишларни ўрганди. Ўзи билмаган нарсани тортинасдан сўрар ва берилаётган жавобларни дикқат билан тинглар, Абдуллажон ака буюрган ишларни тухтатмай бажарар эди.

Абдуллажон акага бўлган Азаматдаги бундай ҳурмат бутунлай беғараз ва унинг доим яхшилик қилишга тайёр ва покизалиги сабабли вужудга келган эди.

Кунлар исиб, қорлар эриб, ер анча юмшаб қолди. Бодом гуллайдиган вақтта яқинлашди. Шу кунларда колхоз идорасига қатновчилар кўпайди ва идора атрофида йигилганлар тўптўп бўлиб ҳар хил масалалар устида ўз фикрларини айта бошладилар. Бир куни колхознинг катта мажлиси бўлиб, бунда пахтага борадиган аъзоларнинг рўйхати тузилиб, уларни бригадаларга бўлдилар.

Иккинчи гурӯҳ одамлар боғ ва буғдой ишларига тайинландилар. Охирида колхоз молларини подага Тянь-Шань тоғларига олиб чиқадиган одамларга бўлиб бердилар. Шу жумладан, Баҳринисо хола ва Азаматнинг қиши билан бокиб чиқкан моллари ўзларида қолиб улар бир биригада бўлдилар.

Орадан бир мунча кунлар ўтгандан кейин чорва бригадалари юкларини ортиб тоғ олдидағи баландликларга қараб йўл олдилар.

Молларни йўлда ўтлатиб, учинчи кун мўлжалланган манзилга етиб бордилар. Бу жой тоғ этагидан пастга кетишда мавжуд бўладиган ва «тоғ олди» номли, узун деворга ўхшаш бир тарафи чўзилиб кетган тепалик эди. Бу жойдаги ернинг тузилишини текширганимизда унинг ҳар хил катта-кичикликка эга бўлган тоғ жинсларидан тузилгани маълум бўлди. Бу жинслар эса қадимда яхлит ва қаттиқ бўлган шаҳтошларнинг ташқи табиат таъсири остида чақилиб, майда парчаларга ажралиб пайдо бўлган, ўринларидан узокқа кўчирилмаган ва ўткир кир-

раларини йўқотмаган тош парчалари тўпламидан иборат эди. Тоғ олдидаги тепалик пастга қараб кияланиб узокларга чўзи-либ кетган. Бу жой жуда серсув бўлгани учун барқ уриб ўсиб ётган майсалар кўм-кўк осмон ва тилла рангли офтоб нури-нинг остида, шаббодада яйраб силкинар эди. Ҳар тарафдан чулдираган овоз билан оқиб келаётган тиниқ ва совуқ кички-на-кичкина жилға сувлар очилган гулларга ҳаёт бағишилар, баланд кўтарилиган ҳар хил дарахтлар келган меҳмонларни тепасини ўз шохлари билан сояйи-салқин жойлар берарди. Тоғ ёнбағрида жойлашган бу гўзал манзарали жой «Альп ўтлоги» номи билан машхур эди.

Қишининг оғир кунларидан озод бўлған колхоз бригадали-ри шу дарахт остига келиб капа тикиб ором олдилар. Кечқу-рун молларни катта дарахт остига тўпладилар ва ҳар бир бригада одамлари ўз қўралари олдида ўт ёқиб, унинг атрофи-да суҳбатга берилдилар. Вакт ярим кечага боргандан сўнг, ҳар қайси кўрадан бир одамни қоровул ҳам ўтга қарайдиган килиб қўйиб, қолганлар уйкуга кетдилар. Бу кеча тинчлик ва осойишталика ўтди. Кечаси билан ўт олдида мудраб дам-бадам пода атрофини айланиб чиқиб турган Азамат тонг от-гандан сўнг ерга қуюқ тушган шудрингни кўриб, то кун озроқ исиб шудринг кўтарилимагунича подага мол чиқармаслик ке-раклигини маълум қилди. Молларни шерикларига топшириб ўзи капасига борди.

Баҳринисо хола энди туриб ўчокқа ўт қалаб, сувга бор-моқчи бўлған вақтда Азамат дарҳол кампирни қўлидан кўза-ни олиб жарликка тушиб, булокдан сув олди. У сув кўтариб қайтиб чиқиб келаётган вақтда, жар ёнбағрида майдаланиш-дан сакланиб қолган шаҳтош қолдиги орқасидан Нозикой белак кўтарган ҳолда Азаматга тўғри келиб қолди. Нозикой бехос бир нарсадан кўркқандек сесканиб хиёл чўчиди. Учраган одам Азамат эканини билгандан сўнг уялиб бир тарафга бетини ўгириб йўл чеккасига чиқиб кўли билан юзини беркитди. Нозикойни кўркиттанини сезган Азамат бир оз хижолат бўлиб, ҳеч нарса демай тездан жар устига чиқди. Жарга қизини сув-га тушириб юбориб кўнгли тинчимай ундан хабардор бўлиб

турган Абдуллахон акани кўрди-ю, дарров салом қилди. Абдуллахон аканинг феълини яхши билган Азамат қиз келаётган тарафга тескари бўлди ва ўзини кизни кўргаган киши бўлиб сув олиб чиқаётгандек тутди.

БАХРИНИСО ХОЛАНИНГ ҲИКОЯСИ

Булар икковлон Баҳринисо холанинг капасига қараб бордилар. Йўлда Азаматга қараб кўрдингми, қибла тарафдан түя булатлар чиқиб қолди. Кеча кечкурун осмонда туёқ изи булатлар жуда баландда бўлгани учун ёғин ёғмади. Бу түя булат нима олиб келар экан, билиб бўлмайди. Ёғин ёғмай турса яхши бўлар эди, деди Абдуллахон ака. Баҳринисо холанинг капасига етдилар. Азамат олиб келган сувни қумғонга куйиб ўчоқ олдига кўйди. Капага солинган кигиз устига дастурхон ёзиб, ҳозиргина қозондан олинган иссиқ лочирани ушатти. Кани, олинг, дея меҳмонни дастурхонга унлади. Лочира билан бирга бир косадан қатиқ ичишгандаридан сўнг, Баҳринисо хола, Азамат ҳали булатларнинг хусусиятларини ва қайси булатдан ёмғир ёғишини билмайди, деб Абдуллахон акага қаради-да, ўз сўзини тўхтатмай, мен сизларга булатлар ҳақида айтиб берсам, деб гап бошлади. Ёш чоғларимда кўпроқ ката олдида хўжалик ишлари билан шугулланиб юрардим, куй, мол, эчкиларни яйловга ҳайдаб қўяр эдим. Бир куни ҳаво очик, кўм-кўк осмондан офтоб тилларанг нурини сочса-да, шабада бутуналай тўхтаб, ҳаво дим бўла бошлади. Ҳавода сув буғи кўпайди, дам олиш оғирлаша борди. Шу вақт кунботар тарафдан түя булатлар чиқиб осмонни қоплай бошлади. Унинг орқасидан катта-катта парча булатлар буралиб, айланиб, гажжак бўлиб охири ола булатларга айланди. Энди осмоннинг баъзи жойлари очик қолиб унинг кўп қисми булат билан қопланди. Секин-секин бошланган шабада ўзи билан одамга хуш ёқмайдиган намлик олиб келарди. Одамнинг юрагида аллақандай бир ғашлик пайдо бўларди. Бу ўзгаришлар бир нарсани бошлаб келишига шубҳа қолмади. Бунақа аҳволни ҳамма ҳам билавермайди. Буни мен сезишимнинг сабаби дадамиз доимо бизга булатларни, об-ҳавонинг ўзгариш нишона-

ларини, бўладиган ёғингарчилик ва подадаги молларни тезда қочириш кераклигини эринмасдан тушунтирас эдилар.

Шу ҳаво ўзгарган куни, дадам капага келиб бир оз дам олиб, ухлаб қолган эдилар. Мен бўлсам ёшлик, бепарволик билан бу ўзгаришларга аҳамият бермабман. Ҳаво ўзгариши кучайиб шамол ер устидан чанг кўтариб, кўнгилсизлик ва хавф олиб келар эди.

Дадам айтган сўзлар эсимга тушиб, ўзимдан ўзим ҳовликиб юрганимча капа ичига кириб: «Дада, туринг, шамол бўлиб қолди», - дедим. Дадам ҳам ўринларидан иргиб туриб, нимага илгарироқ уйғотмадинг, дея норозилик билдириб подага қараб юргуларича кетдилар.

Шамол кучайиб, тинмасдан бир тарафга қараб ура бошлади. Осмонни бутунлай булат қоплаб, ҳаво бўзарди. Симоб рангли булатнинг остки қисми айт-баётларида парча-парча кора булатлар пайдо бўлиб, шу кора булат ичида илонга ўхшаш ҳар тарафга ўзини ташлаган чақмок нурлари кўринди. Бу ўзгаришлар устига узоқдан замбаракнинг овозига ўхшаган момагулдирак овози эшитилди: ер юзига катта-катта ёмғир томчилари тушиб, озгина чанг кўтарилди. Мен капа атрофидаги ҳамма асбоблар, бардон устига ёпиб қўйган курутлар ва иккита янги туғилган қўзичокларни капа ичига олиб кириб, капанинг туйнугини беркитиб, ёмғирни кута бошладим.

Ёмғир селга айланиб, дўл аралаш ёға бошлади. Осмондан тушган музнинг катталиги чумчукнинг ва созивори товукнинг тухумига тенглашарди. Муз бўлакларининг ер ва тошларга урилганидан чиқсан овоз ҳар қандай одам юрагига кўркинч соларди. Момагулдирак овози узоқлашди. Сел тўхтади. Сел сувлари жўн атрофларидаги сойликлардан, жарлардан тўлиб оқди. Менинг отам билан онам нима бўлганларидан хабарим йўқ эди. Ўзимдан ўзим қўрқиб йигладим ва икки кўзимни яйлов тарафдан узмадим.

Дадам боргунларича, онам қўй ва молларнинг кўпини ғор ва камарга қамаб ултурган эканлар, қолган моллардан икки қўй ва бир эчкининг бошини дўл ёриб ўлдирибди. Ёгин тинса ҳам ҳали оқиб турган сувдан ўтишнинг иложи бўлмай, яйлов-

дан коронғи түшганды келишди. Дўл уришдан ўзларини аспрамоқ учун дадам телпакларини онамга бериб, ўзлари тўнларини бошига ёпинаётган вақтларида муз уриб елкаларининг тўрт жойини кўкartiриб юборибди.

Демак, пода боқадиган одам об-ҳаво ўзгаришини билмаса ва доим хабардор бўлиб турмаса мол ва одамлар ҳалок бўлишига сабабчи бўлади. Шунинг учун сен ҳам бу гаплардан хабардор бўлишинг керак, деб Баҳринисо хола сўзини тамом қилиб Азаматга қаради.

Азамат ҳам миннатдорчиллик билдириб, бундай гапни энди эшитишим, раҳмат, мени хабардор қилиб кўйганингиз учун, деди.

БЎРИЛАР ҲУЖУМИ

Абдуллажон ака хола бу гапни ўз вақтида эсга солдингиз. Ҳаво бузилиб келаяпти. Бир нарса бўлиб қолса подани қамайдиган жой тайёрлаганимиз йўқ. Агар сел бўлганда ҳам бу жойда қолиб бўлмайди, сув оқизиб кетади. Сиз бориб Яхшибой отага айтсангиз, бизнинг орқамиздан ҳов ана у кўринган ёйик ўнгир орқасидаги Камарфорга етиб борсалар. Шу жойни тайёрлаб кўйсак, - деди.

Холани Яхшибой ота олдига юбориб, ўзлари чангальзор бўлиб ётган ёйик ўнтирилганг ёнидан ўтиб, жўн ошиб бир чукур сойлик ичига туддилар. Сув бўйлаб унинг икки тарафидан ҳар хил дарахтлар ўсган бўлсада, молни оғзига илинай деган тузукрок ўт кўринмади. Бунинг сабаби, бу жой устини тез-тез ёқкан ёмғир ювиб туриши эди. Юқоридан пастга кўп ҳам катта бўлмаган шаршара орқали тушиб келаётган сув қаттиқ тошларга урилиши натижасида ундан ҳар тарафга учиб кетган сув учқунлари одам табиатини равшан киларди. Булар Камарфор оғзига келганларида Яхшибой отани кўрдилар.

Яхшибой ота горни кўрдим, дуруст, ичини тозалаш керак, деди-ю тош устига бориб ўтириди.

«Бўлмаса биз ҳам кўрайлик, Азамат ҳам кўрсин», - деб Камарфор оғзига бордилар. Бу гор ичи анча кенг бўлса-да ички тарафи жуда тор экан. Қорнинг оғзи эса даставвал тор

бўлса ҳам, кейинги вақтларда шамол ялаб ва нурашга учрагани сабабли кенгайиб, камарга ўхшаб қолгани учун бунга Камарғор номини берганлар. Азамат унинг ичкарисига кириб, бир ҳовуч майда қумалоқ олиб чиқди ва Яхшибой ота олдига кўйди. Бу қумалоқларнинг кўпи бўриники эканлиги маълум бўлгач, Камарғорга мол қамайдиган бўлса, бу жойда яшаб келган бўрилар билан курашиш лозимлиги уларнинг миясига ярқ этиб урилди.

Абдуллахон ака бошидан дўпписини олиб, уни устини чертиб қокқанидан сўнг Азаматга қараб, бу жой бўрилар макони экан. Бўри оч бўлса кўйга кундузи ҳам чопаверади. Энди кечаю-кундуз моллардан хабардор бўлиш керак. Уч ит, яъни Олапар, Калта, Мўйноқ бир-бирларига ўргандилар, уларни молдан узмаслик керак. Камарғор ичидаги тезакни олиб чиқиб, бир жойга тўдалаб кўйиб, кечаси ўтни ўчирмаслик, биринки киши ухламасдан айланиб юриши лозим бўлади, деди.

Уччовлари бир фикрга келгандаридан сўнг кўшхонага қайтиб кетдилар. Бу кун қилган ишларидан яқин ўртадаги чорва бошликларига хабар бериб кўпчилик билан Камарғорни тозалаб, дарахт кесиб, гор оғзига кана тикиб, тошдан беш жойга ўчоқ қилдилар.

Шу кун офтоб киёмдан оғандан сўнг, ҳаво қаттиқ бузили ва ёмғир ёғиши аён бўлиб қолди. Азамат ҳаммадан илгари келиб, Камарғор ичини кўздан ўтказиб, унинг ичидаги бегона ҳайвон йўқлигини билгандан кейин ўчбўларга ўт қалади ва капага палос солиб пода қайтишини кутди.

Кечқурун пода қайтар олдида ёмғир ёға бошлади ва коронғу тушгандан сўнг жадаллади.

Колхозчилар молларни қамаб тинчиганларидан сўнг, ўчоқка ўтин қалаб ўтни ўчирмай, ярим кечадан ўтгунча, итларни боғлаб кўйиб, пойлаб ўтиридилар. Охири чарчаб уларнинг кўплари бутунлай ухлаб қолдилар ва баъзиларининг мудраганидан кўзига ҳеч нарса кўринмай қолди. Уларнинг ичидаги ҳарбий хизматда бўлган Азаматгина уйғоқ ва уйқу билан курашиб атрофга қараб ўтирас эди.

Ёмғир бир мунча пасайди ва шабада юриб қолди. Азамат

үзи ўтирган ўчокқа бир мунча тезак ташлаб уйқу билан курашиб турган вақтда бирданига кўзи ёнбошдан кесиб ўтган жарликка тушди. Унинг кўзига бир нарса жар ичида қимирлагандек кўринди. Итлар ҳам қулокларини динг қилиб, ҳар тарафдан кўзларини узмади. Бу аломатларни кўрган Азамат кала деворига суюниб, жуда секинлик билан ҳеч кимга билдиримай ўрнидан турди. Ташқарига чикқач, у жар ичида, ўтдан кўркиб ўтирган етти бўрига кўзи тушди. Уларнинг кўзи чўғдек ёнар эди. Бўрилар жар бўйлаб юқорига қараб юриб капага яқинлашгандан сўнг, тўхтаб навбатма-навбат жағларини бирбирига уриб, шақиллатиб хунук овоз чиқара бошлидилар.

Азамат капага кириб эҳтиётлик билан ўртокларини уйғотди. Бўрилар хужумини кутмай, уларга қарши ҳаракат килмок лозим бўлди. Итларни кўйиб юборганда, бўрилар кўпчилик бўлгани учун, итларни ярадор килиш хавфи уларни бўшатмаслика мажбур қилди. Тайёрлаб кўйилган майда ўтинни ўчокқа ташлаб, алангани баландлатиб, челак, қозон, банкаларни уриб, ҳар тарафдан тош отиб, бўриларга қарши хужум бошлидилар. Одамлар мол олдидан узоқлашмай, уларга бўри чопиб кўймаслик эҳтиётини қилдилар. Уларнинг бир қанчаси кўлида сўйил калтак билан фор олдида пойлаб турардилар. Шу ахволда тонг отгунча ухламай, бўриларнинг уч маротаба килган хужумини қайтардилар.

Молларни яйловга ёйган вақтда хотин-қизлар ва болалар пода атрофини ўраб олдилар. Улардан бир қанчаси жўнлар устига чиқиб, атрофдан хабардор бўлиб турардилар. Кечаси ухламаганлар бўрилар хавфи аригач, пода олдида озрок ором олдилар. Ухлашга ҳозирланган Азамат пода қўриқлаб яқинига келиб қолган Нозикойнинг товушини эшитди-ю, секин кўзини очиб, унинг ҳуснини томоша қила бошлиди. Нозикой ётган одам кимлигини билишни ҳам хоҳламагандек унинг ёнидан охиста ўтиб кетди.

Нозикойни кўрган Азаматнинг рухи кўтарилиб, уйкуси бутунлай учиб кетди. «Сенга яна нима керак, бу давлат кимда бор, шунга қаноат қил, ўн тўрт кечалик ойдек қиз, сен билан кўшни бўлгани қандай қувонч», деб кўйди ўз-ўзича. Ўрнидан

туриб түгри Камарғор тарафга йўл солди. Йўлда кўлидаги калла бузар пичоги билан икки қучоқ келадиган гаврон кесиб, елкасига қўйиб кўтариб келиб, ўчоқ бошига ташлади ва оловни ёқди. Ўт олдида исиниб ўтириб, балиқ тутадиган сават тўкиди, ортиб қолганидан катта нон сават ва кошиқдан тўқий бошлади. Кечкурун ёрикда балиқ тутадиган сават – тумшукни сувга ташлаб, уни маҳкам боғлаб, устига тош бостириб қўйди. Бу кеча ҳам ёғингарчилик бўлиб, колхозчилар ухламасдан молларини қўриқлаб чикдилар. Бўрилар хужумини бартараф этдилар.

Эрта билан Азamat сувдан саватни кўтариб саккизта бир қаричдан ортиқ келадиган балиқ олди. Саватни чеккага олиб қўйиб, баликларни уйга олиб кетди.

Балиқларни Яхшибой ота, Абдуллажон акаларга бўлиб бериб, ўзларига икки донасини олиб қолди.

Азamat қовурилган балиқнинг калласини олиб, яшириб қўйди. Кечга қадар сават тўкиб, қўшниларга берди. Бу кеча ҳаво очиқ бўлиб, моллар эски жойларида тунадилар.

Азamat кечқурун яна балиқ саватини сув ичига жойлаб қўйди-ю, ўзи қопқон кўтариб, унга балиқ бошини боғлаб, Камарғор оғзига олиб бориб қўйди.

Тонг ёришиб, кун чиқар олдида Азamat тутилган балиқларни кўтариб, қопқон олдига бориб, бир ажойиб ҳодисани кўрди. Қопқондан гўштни тишлаб олаётганда қопқон бўри тумшуғини майдалаб юборса-да, бари бир зўрлик килиб, майдалангандан жагини сутуриб олиб, ўн метрларча жойга судралиб бориб, қонсираб ўлиб қолибди.

Азamat бўрининг оёғидан боғлаб, ўз капаси олдига олиб келди. Бўрининг ўлигини кўргани келган одамлар Азamatнинг бу қилган ишига ҳайрон қолдилар.

Азamatга бўрини ўлдиргани учун бир қўй мукофот тегиши керак, деб ўзаро сухбатлашдилар. Азamatнинг чигит пўчоқ, ва кунжара топиб, колхоз молларини қирилишдан кутултириб қолгани учун бир донғи чикқан бўлса, энди бўри ўлдириши, ўз қўшниларига балиқ ушлашни ўргатиши ва колхоз хўжалиги учун оз вақт ичидаги кўп иш қилгани унга катта обрў келтирди.

ТАЖРИБАЛИ ҚИЗ

Хаво очилиб, кунлар исиб кетди. Нозикой дастлаб ўз бригадасидаги молларнинг яра-чакаларини кўриб, дори сургандан сўнг, бошқа бригадаларнинг ҳам молларини кўриқдан ўтказишини эълон қилди.

Иккинчи кун молларни кўриқдан ўтказиш навбати Азаматга келиб етди. Азамат молларни эрта билан ҳайдаб, кўрикка олиб борди. Ҳали Нозикой хўжалик ишларидан бўшамагани учун бир оз кутишга тўғри келди.

Шу вақт Баҳринисо хола келиб, кала ичига кириб, унда ўтирганлар билан сўрашгандан сўнг, ташқарига чиқиб, Азаматга «Сен кетавер, Нозикой уяляяпти», деб унга жавоб бериб юборди ва ўзи Нозикой билан бирга молларнинг яраларига дори қўйиб, уларни яйловга ҳайдади.

Колхоз моллари соғлом ва сиҳатлилиги маълум бўлгандан сўнг Нозикой эчки ва қўй сутини олиб келиб беришларини сўради, ўзи эса пишлок (бринза) тайёрлайдиган асбобларни кўздан ўтказиб қўйди. Кечаси билан ухламай мол кўриклаб чиқкан Азамат, ўз капасига қараб ухлагани кетаётган вақтда, Абдуллажон акани кўрди. Улар хол-аҳвол сўраганларидан сўнг, Азамат Абдуллажон ака билан бирга бориб, эшакка ҳар хил дараҳт шохини ортиб, ўзлари ўнтача ходачани кўтаришиб, Абдуллажон аканинг капаси олдига етдилар. Сув бўйини текислаб, ходачаларни кўмиб, унинг устига шох ташлаб, пишлок (бринза) киладиган шийпон ясадилар. Шийпон остини текислаб, бочкаларни юмалатиб келиб, ўз жойларига ўрнаштиридилар. Шундай қилиб, оз вақтда пишлок (бринза) тайёрлайдиган устахона ҳам тайёр бўлди. Абдуллажон ака кўп миннатдорчиллик билдири.

Икковлари ўтириб, бир косадан угра ош ичишгандан сўнг, Азамат ўз капасига кетди. Капага кириши билан Баҳринисо хола Азаматга қараб, ҳа, ҳорма, қаерда эдинг? - деб савол берди.

Азамат жавоби ичиди – бу Нозикой жуда иш биладиган экан, қўйларни касалига қараса, пишлок (бринза) тайёrlаса,

рўзғор ишларини ўзи қипса-я.

- Ҳа, сен ҳали уни билмайсан, унақа қиз бизнинг қишлоқда битта. Уст-бош тикиш, овқат қилиш, ҳаттоқи бўз тўкишини ҳам билади, умри узоқ бўлсин, қўли тилла, ўзи баодоб, борсанг «холажон келинг», - деб кўрпача солиб, атрофингда парвона бўлади. Унинг меҳмондўстлигини айтмайсанми. У онаси Ҳимоятхон жонининг малҳами, – деди.

Бу сўз Азаматта таъсир қилиб, бетида қувонч ва унда кела-жак умиди пайдо бўлди.

- Овқат ичасанми?

- Йўқ, Абдуллаҳон аканикидан тўйиб олдим.

- Бўлмаса ётиб ухла.

Азамат ёстиққа бош қўйгани билан тезда уйқуси келмади ва унинг хаёлидан Нозикой, унинг фазилатлари бирин-кетин ўтди ва охири ухлаб қолди.

Үйғонган вақтда кун анча оғиб қолган ва подадан хабар олиш лозим бўлган эди. Яйловда моллар анчагина жонланиб колганини сезди. Ундан балиқ овига бориб, саватни сувга ташлади, бўрига қўйган қопқон олдига келиб, қопқон олдига ҳеч нарса келмаганини ва ундаги балиқнинг калласи бутун турганини кўрди. Бўрилар бу жойдан кетиб қолганмикан деган хаёл билан яна подага қайтиб кетди.

Туманга (пастга) уч-тўрт тия пишлок (бринза) юбордилар.

Тоғ этагида ярим ой ёки йигирма кун туриб, ҳаво бузилмаганлиги, бу яйловда ўт кўп бўлгани учун моллар анча ўзига келиб қолишиди. Энди бу жойдан кўчиб, колхозга ажратилган тоғ устидаги яйловга жўнаб кетишга қарор қилдилар.

ЭНДИ ЙЎЛ КОЛХОЗ ЯЙЛОВИГА

Ҳамма кераклик нарсаларни йигиштириб от, эшак ва тяяларга ортдилар. Йўл юролмайдиган ва янги түғилган – эмизиклик кўзичоқ, эчки болаларини кажава саватга солиб отга ортишиди. Бузокчаларни ҳам бир кажавага иккитадан солиб, уларни похол билан ўраб тияга ортгандан сўнг карвон сафарга кетишга тайёр бўлди ва секин-аста йўлга тушди.

Молларни йўлда боқиб, секин-секин ҳайдаб кетишни Ях-

шибой ота, Абдуллажон ака, Каримжон ака ва бошқалар ўз зиммаларига олдилар. Юкли от, түя, эшакларни ҳайдаб кетиши Азамат, Тешабой ва хотин-кизларга топширилди.

Кун киёмга келгунча йўл юриб бир манзилга етганда, пода юкли ҳайвонлардан жуда узоклашиб бир-бирларини кўрмайдиган бўлиб қолиши. Булар Кўшдовондан ошиб Узунбулоқка етганда бир-бирлари билан учрашишлари керак эди. Шунинг учун юкли ҳайвонларни ҳайдаган карвон, илгарироқ, белгиланган манзилга етмок учун якин йўл билан юриб ҳаммадан илгари Узунбулоққа етиб чодир тикиб подани кутиш мақсадида жадалроқ йўл босди. Анчагина йўл юрганларидан сўнг сойлик ичида одатда учрайдиган қисиқликка етдилар. Бу қисиқлик ҳаворанг товланадиган зангори слонис тошларидан тузишганлиги учун ости юқоридан яхши кўринмас эди. Бу қисиқликнинг икки ёнини тикка кўтарилган ва баландлиги бир неча терак бўйи келадиган зов ташкил қилас эди. Бу қисиқлик ён бағирларини ташкил этган тоғ жинс қатламлари ичида юмшокроғи бўлганлиги ва уларнинг ташки табиат таъсирига осон берилиши натижасида бу жойдаги юмшоқ жинслар тез ушалиб кетиши сабабли шу табақа бўйлаб бир оз қиялика эга бўлган ён бағирлик ҳосил бўлган эди. Шунинг учун шу ушалган қатлам бўйлаб сўқмок йўл ўтиб, баланд тоққа кетаётган одамларнинг юрадиган ёлғиз йўли бўлиб қолган эди.

Бу йўлнинг пасти бир неча терак келадиган зов ва йўлнинг юқориси эса қаттиқ шахтоғлардан тузилган, усти нотекис, одам ўтолмайдиган даражада тилингани сабабли жуда мураккаблашган рельеф (манзара) ҳосил қилган. Шундай даҳшатли ёнбағирлик устида онда-сонда кичкина чўққига ўхшаган шахтошлар, табиат таъсирига қаршилик кўрсатиб кўкрагини кериб туради.

Азамат раҳбарлик қилган карвон шу жойда тўхтаб, ҳаёт учун хавфли йўлдан ўтишга тайёрлана бошлади.

Азамат ҳамма юкларни юқорироққа кўтариб, ихчамрок қилиб бошқатдан ортди.

Ҳар бир одамга от, түя ёки эшак етаклаб зов устидаги тор сўқмок йўлдан эҳтиётлик билан ўтиш кераклиги маълум бўлди.

Аввал карвонни бошлаб Азамат йўлга тушди. У Абдуллахон аканинг эшгини етаклаб олди. Унинг орқасидан тя етаклаб Мунисхон йўлга тушди. Шундай қилиб, ҳар қайси одам ҳайвон етаклаган ҳолда бир-бирларининг орқасидан ўн, ўн беш қадам орқарокда юрдилар. Йўл тор ва хатарли бўлгани учун бу жойдан ўтаётган вақтда ҳар кимнинг ҳаёти ўз қўлида эканлиги сабабли ҳар бир қадамларини эҳтиётлик билан босар эдилар.

Зов устидаги йўлнинг ярмидан ўтгач, Азамат етаклаган эшакнинг юки бир тарфга қараб оғиб кетди. Эшак эса гандираклаб бориб ёнбошдаги тошга йикилди. Бу жойда тўхтаб қолмасдан аста-секин зов тарафга юки билан сидирилиб бориб икки маротаба ағдарилди-ю, ўсиб ётган пакана еролча тўпининг тагига бориб илиниб тўхтаб қолди. Еролча зовнинг киррасида ўсгани сабабли ундан пасти тик кетган девор каби зовдан иборат эди. Агар бу жойдан пастга қараб силжиганда зов устидан унинг остига қараб юмалаб тушиб кетиш аниклигидан ташқари, эшакни бу жойдан юки билан йўлга кўтариб чиқиши ҳам имкониятдан узоқ бўлиб қолди.

Эшак йикилиб йўл бўшаб қолгани учун Азамат карвонни ўтказиб юборди. Тя етаклаган Мунисхон карвон боши бўлиб қолди. Азамат эса Мунисхонга бир қанча топшириқларни бергач, ўзи эшак билан унга ортилган юкни қутқариб қолиш масаласига киришди. У иккита жундан эшилган йўғон арқон учини чўқки шаҳтошга боғлаб, бошка учини белига ўраб, секин-секин бўшатиб унинг ёрдами билан эшак олдига тушди. Арқоннинг бир уни билан эшакнинг орқа, олдидан танғиб, чамбарчас қилиб боғлади. Ўзи шошилмасдан юқорига чикди. Эшак бу ҳолда гўё арқон билан шаҳтошдаги чўққига боғлаб осилтириб кўйгандай бўлди. Қилган ишининг пухтлигига ишонган Азамат оёғини тирамоқ учун ўрнидан силжимайдиган яхлит ва маҳкам тошни топгач, эшакни юқорига қараб торта бошлади. Пастга ағдарилиб, бориб тўхтаганидан каттиқ кўрқсан эшак ўрнидан турмади. Азамат бор кучи билан арқонни тортиб эшакни ўрнидан юқорига қараб бир мунча силжитди. Эшакнинг оёқлари тош парчаларига кирилиб

оғриши туфайли ўрнидан туришга уриниб охири юклари билан юқорига караб зўр куч билан қадам ташлади. Эшакни йўлга чиқарип олган Азamat тезда арконнинг тошга боғланган учини счиб олиб эшак ипини маҳкамлаб секин йўлга тушди. Кун ботиш тарафга оғиб кетган вактда карвон Узунбулоқка бориб етди. Кун ботмасдан илгари бошқа йўл билан пода етиб келди. Бу жойда дам олмоқ учун тўхтаб капаларини тикиб кечаси ухламасдан номаълум жойда подаларни яхши кўриклаб чикдилар.

Эрта билан тонг ёришиб кун чиқар олдида ер устига мўлтина шудринг тушган бўлиб, уларнинг марваридга ўхшаган майда томчилари кўк майсалар устида қуёш нури таъсирида рангбаранг товланар эди. Уйқуннинг энг ширин вақтида пода атрофида айғоқлик билан кўриклаган одамлар ва уларнинг кучукларигина кўринар эди. Кун ёйилиб шудринг кўтарилиган вақтда хотин-қизлар сут согиб бўлиб, подаларни яйловга ҳайдашга тайёр бўлдилар. Шу кун Узунбулоқ атрофида қолиб эртасига йўлга тушмоқ лозим топилди. Кун анча кўтарилигач, Яхшибой ота капа олдига келиб Баҳринисо холадан секингнига худи ухлаган одамни уйғотиб қўймаслик эҳтиётини килган кишидек, Азamat уйғондими, деб сўради.

- Йўқ, Азamat менга анча ёрдам берди бўлмаса менга шунча молни эплаш қийин бўлар эди. Ҳамма ишларни бажаргандан кейин у якиндағина ётди, – деб жавоб берди хола. Ўтилинг чой тайёр, бир-икки пиёла ичганингизча Азamat ҳам уйғониб қолар, деб отани кигиз устига ўтқазиб, дастурхон ёзиб чой қуйиб берди.

– Қариганда Азamatнинг сизга ёрдамчи бўлиши жуда ажойиб иш бўлдида, - деди Яхшибой ота. Азamatнинг урушдан ярадор бўлса-да эсон-омон келиши бизнинг колхоз учун катта ютуқ бўлди. Агар Азamat бўлмагандан кишда моллар қирилиб кетиб, ҳали бу жойларга келмасмидик. Ҳукуматта гўшт ўрнига нима топширас эдик. Азamatнинг хушёр, одамижон, жуда ақлли йигит чиқди, буни қайтиб келиши фақат сизнинг баҳтингиз эмас, балки бутун жамоанинг баҳти.

Баҳринисо хола Яхшибой отанинг сўзларини тасдиқлаб,

Азамат йигирма саккизга бориб қолді. Буни бошини иккита килиб құйсак савоб бўларди, деди.

– Ахир сиз кўпни кўргансиз, шу фикрингизни амалга ошириш тадбирини кўрсангиз бўлмайдими, хола, – деди Яхшибой ота.

– Мен ҳам шуни ўйлаган эдим, Азамат бола факирни хотин олишга ҳеч нарсаси йўқ. Менинг билишимча Азаматнинг Нозикойда кўнгли бор. Боласи тушмагурнинг кеча-кундуз кўзи Нозикойда. Кўпинча хаёл суриб кетади. Нозикой Азаматни унга кўп қарайверганидан уялиб ўзини панага олади ва кўп кўриниш беравермайди. Буни Нозикойнинг онаси Ҳимоятхонга айтай десам, истиҳола қиласан. Бу сўзни кофияси билан айтмаса Абдуллахон аканинг рашки ёмон, уришиб берса, ўртага совукчилик тушиб қолади. Қани озрок сабр қилиб турайликчи, бир гап бўлиб қолар.

Шу аснода жар ичидан Абдуллахон ака чиқиб булар ўтирган жойга келди. Бир оз вақтдан сўнг Азамат уйғониб чиқди ва Яхшибой ота бошлиқ Узунбулоқ атрофини кўрмокқа кетдилар.

Узунбулоқнинг пайдо бўлиш сабаби шу эканки, бундаги шаҳтошлар ёрилиб, ёриқнинг бир тарафи икки метрча юқорига кўтарилиган, ёриқнинг оғзи эса очилганича қолган, мана ёриқ орқали ер остидаги сув ер юзига чиқиб бу жойда булоқ ҳосил қилган. Бу сув чиқадиган булоқни ўрни узун бўлгани учун «Узунбулоқ» деб ном кўйганлар.

Булоқ суви оқиб келиб ўттиз ёки қирқ қадам масофага етгач, пастга қараб тушиб кетади. Бу сув юқоридан пастга қараб овоз билан тушгани учун бу жойни «Шалдирамоқ» деб атаганлар. Шалдирамоқ атрофларида кўм-кўк ўт ўсган, табиий салқин жой экан. Бу тепалиқдан ошиб бир кичкина кўлчага етдилар. Бу кўлга сув қайси жойдан келиши маълум эмаслиги сабабли сув унинг тош таги кўзидан чиқади дер эдилар. Шунинг учун буни Оқласкўл ёки Дамкўл деб айтадилар. Кўл атрофларида тоза туз жуда мўл эканлигини кўрдилар. Бу тузнинг таъмини кўриб, унинг ош тузи эканлигини билгач, Яхшибой ота бундан буёғигача йўл борган сари хатардан холи,

шунинг учун бу туздан, тая, от, эшакларга кўпроқ ортиб олиш керак. Ҳозир шаҳардан туз олиб чиқиши осон эмас, деди.

Эртасига эрта билан юкларни ортиб яна сафарни давом қилдилар. Бир неча кун йўл юрганларидан сўнг Какликсойга яқинлашиб қолдилар.

Яхшибой ота йўлда бир тўхтаб баланд тоғ устидаги чўқкига қараб қўлинни кўтариб, пичирлаб бир нарсаларни ўқиб фотиҳа қилди. Азамат, бу ёққа қара, ана у юқоридаги қизил чўқки билан қораниш ўртасидаги ёнбағирликда Гўрўғли отангнинг қабри бор, шунга фотиҳа ўқидим. Ҳа, бевафо дунё, одам шу эканда, – деди.

– Гўрўғли отанинг достони катта деб қулогимга етган бўлсада, уни ҳеч кимдан эшигтганим йўқ, – деди Азамат. Сиз Яхшибой ота ундан хабаринтиз бўлса керак ва у кишини тарихларини жуда яхши билсангиз керак, – деб Яхшибой отанинг жавобини кутди.

Яхшибой ота бунга жавобан кулимсираб, бўйнимга кўйдинг-а, майли бир куни бафурсат сўзлаб берарман, деди.

Кун ботиш тарафга оғиб кетган вақтда, бир қанча тепаликдан ошиб ўтдилар ва жўн ёнбағри қиялаб бурилиб, бир катта ва кенг жойга етдилар. Бу жой пастта қараб бироз қияликликли бўлиб тузилган, атрофдан келадиган ёғин сувлари шу пастликка қараб тушгани сабабли бунда ҳар хил дараҳтлар ўсган, баланд бўйли ўсимликлар босгани учун бу жой одам ўтиб бўлмайдиган чанталзор бўлиб кетган экан.

Тўқай оқининг бориб тушиш хатарли бўлгани учун тўқайни кўрган жойларида бир кеча ётадиган бўлиб, юкларни тушириб, чодирларини тикдилар.

Кеч бўлиб кўз қорайган вақтда тўқай ичидан тушуниб бўлмайдиган нарсанинг йифлагандек овози чиқди. Шу замон бир бора баланд овоз билан мушук миёвлагандек ёки узок жойдан йиғи товуши эшитилаётгандек туюлди. Бу овозга моллар бир бора ўрнидан туриб қулокларини шу овоз келган тарафга динг килиб, икки кўзлари билан тўқай тарафга тикилганларича жим-жит ўринларидан қимирламай қолдилар. Абдуллажон aka ана чиябўри овози, деди. Ўзи кичкина бўлса-

да тиши олмос. Агар кундузи бўлса ҳам, бу тўқайда одамни ёлғиз топса соғ қўймайди. Булар молга кўплашиб чопади. Чиябўрининг подаси катта бўлади. Мени эшитишинг қарангандা бу тўқайда, чўчқа ҳам кўп. Уларни подасига учраш ҳам жуда хавфли. Бундан ташқари, бу ерда бўри ҳам оз эмас. Менинг бобом йигитлик вақтларида шу тўқай ичидан йўлбарсни ўлдиришган экан. Бу жойни нима эканини биллиб туриб шу йўлга қандай қилиб юрганимизни билолмай қолдим, – деди.

Чиябўрини «ув» тортиб улигани одамнинг юрагига анчагина қўрқув солар эди.

Бу кеча подани ўраб, атрофларига ўт ёқиб, ухламасдан, ҳар хил нарсаларни чалиб дам-бадам овоз бериб бир-бирларини айғоқ қилиб чикдилар.

Эрта билан кун кўринган вақтда Иброҳим ака энди қандай бўлмасин биз бу йўлдан юрмай узоқ бўлса-да, ана у кўринган кўм-кўк майсали қайнин дарахтлик тоғ атрофи билан Хўрозминди сойга тушиб, ундан ошиб Серкақирилдисой билан, Келинчаксой ичига тушсак сўқмок йўл келади. Шу билан бориб ўзимизнинг катта йўлимизга тушиб оламиз, деди. Бу фикр ҳаммага маъқул бўлди.

Кун киёмига келганда қайнинлик тоғ ёнбағрига етдилар. Бу жой серсув, жуда салқин ва серўт экан.

Азаматга бу жой жуда ёқди. У бу ерда бир кеча қўниб, молларни яхшилаб боқиб, эртага йўлга тушмоқни таклиф килди.

Кун кеч бўлар келган вақтда Яхшибой отанинг қани юринглар атрофдан хабар олиб келайлик, деган таклифига мувоғиқ тўрт киши бўлишиб, кияликдан юқорига қараб кўтарила бошладилар.

Бундаги муздаккина шабада уларнинг кўнглини очди. Булар юқори lab бориб бир қанча бир-бирига ёндашган, ярим ойдек ёнбағирликни кўндалангига ўраб олган тепаликдан ошиб тушиб, бироз юрганларидан сўнг чоққина кўл бўйига етдилар. Бу кўлнинг суви жуда тоза, остига йирик кум ётқизилган, лабларида кўм-кўк ўт ва гуллар ўстган экан. Булар кўл

лабида бироз дам олиб ўтиридилар. Сув юкоридан пастга қараб ҳар хил катта ва кичикликка эга бўлган тоғ жинслари ичдан окиб ўтиб, тоғ ёнбағрида мавжуд бўлган тепалик олдида йигилиб, бунда шу кўлни пайдо қилган эди. Яхшибой ота эслаб туриб, бу юкоридан сув юриб келган сойликнинг номиши «Оғилсой» дейдилар. Бизнинг бобомиз ёшлик вактларида тоғ устидаги музнинг тиши ёки кўли шу сойликдан юриб келиб, ўз ости ва ёnlарини қириб, чархлаб, текислаган экан. Бу ҳаракат қишин-ёзин тинмасдан давом қилгани учун бу сойликнинг шакли оғилга ўхшаб қолган. Ана, кўрсаларинг ҳам бўлади. Бу Соловга ҳам ўхшайди. Дарҳақиқат, атрофларини муз ялаб, текислаганини кўрса бўлади. Шу сабабдан бу окиб чиқиб турган сувга «Оғилсой» деб айтганлар.

Яхшибой ота Оғилсой йўлини тўсиб ётган ва тоғ ёнбағирлигига нисбатан кўндаланг жойлашган тепаликнинг қандай пайдо бўлганини айтиб бера олмади.

Ҳақиқатан тоғ устининг иклими совук бўлгани учун қор эримасдан йилдан-йилга ғарамлагани сабабли пайдо бўлган музлик, йилдан-йилга кўпайиб, охири пастликлардан секин-секин окиб туша бошлаган. Пастга силжиган улкан муз бўлағи ўз ости ва ёnlарида тоғ жинсларини қиради, майдалайди ва ушатади. Бу жараёнда чақилишдан пайдо бўлган тоғ жинс парчаларини муз ўзи билан пастга олиб тушади. Бу муз оқими юриб келиб маълум бир жойга етган вактда, пастдаги ҳавонинг иссиқлик даражаси юкоридагига нисбатан баланд бўлгани учун, окиб келган муз бу жойда эриб кетиб, муз билан бирга қўшилиб тушган тошлар бу жойда тўпланиб қоладилар. Шу сабабга кўра тоғ ён бағирлигига қўштепалар пайдо бўлган.

Хозир бу жойда муз йўқлитига сабаб юкоридан сирғилиб келадиган муз кўп вақтлар ўтиши билан иқлим ўзгариши туфайли илгаригига қараганда энди юқорирокда эриб кетадиган ва пастга муз тушмайдиган бўлиб қолганлитидир. Шунинг учун музликнинг илгари юрган йўли энди музлик сойлигига айланади. Бундай сойлик геология илмида троги деб аталса, Ўрта Осиё халқлари «оғил сойлиги» деб атайдилар. Бундай сойлик орқали юкорида эриган муз сувни окиб тушиб, тоғ ёнбағрида

ҳосил бўлган «охирги морена» номли тепалик остида йигилишидан музлик кўлчаси ҳосил бўлади.

Бундай моренадан ҳосил бўлган тепаликнинг тоғ жинсларини текшириб кўрганимизда, ундаги парчалар ҳар хил катта-кичикликка эга бўлишидан ташқари, бу жинслар ҳажмларига мувофиқ бир-бирларидан ажратилмаган экан.

Буларни худди жўяқдек бирин-кетин ярим ой шаклида терилиб тепалик ҳосил қилиши, булар музлик жинслари бўлса керак, деган фикрга олиб келади. Биз яна бу жинсларни кўра бошладик, бундаги жинс парчаларининг бир тарафи қирилган ва силлиқланган экан. Буларнинг текисланган усти эса тимдаланганди, чизилган ва юмдаланганини кўриб бу жинсларнинг музлик келтирган мореналар¹ эканига шубҳамиз қолмади.

Азамат бу охирги мореналар ичидан ялтироқ кўрғошин тошини топиб олди. Музлик олиб келган бу жойдаги жинслар ичida кўрғошин тошининг борлиги, музликнинг юриб келган йўлида кўрғошин кони борлигини билдирап эди.

Азаматнинг қўлидаги ялтироқ кўрғошин тошини кўрганлар тепалик атрофини қидира бошладилар. Натижада, Абдуллахон ака бир тошга ёпишган майдада-майдада холдек тиллага ўхшаган сариқ минерал топди. Бу намунани кўрган Яхшибой ота эса, кўрдиларингми, муз тагида кўрғошин ва тиллага ўхшаган нарсаларнинг кони бор экан-а? — деди. Аммо улар атрофларини қидириб кон топмадилар.

Иброҳим ака кон топиш учун музликнинг музини эритиш керак бўлади. Буни эритишга саратон иссиғининг кучи етмайди-ю, уни тезак қалаб эритиб бўладими, деб ҳазиллашиб кулди. Мени эшитишимга караганда, кон топган одамга хукумат томонидан мукофот берилар экан. Конни борган жойимиздан қидирамиз, деди. Кечаси Оғилсой ичидан юриб келган шабада шундай совук бўлдики, ҳатто гулхан олдида ўтирган одамнинг елка ва кулоқларини совук котириб юборди.

Эрта билан бу жойдан кўчиб арчазорлар ичидан ўтиб, Бузоккочдисойга етдилар. Бунда бир оз дам олганларидан сўнг

¹Морена деб музлик синдириб олиб келган тоғ жинсларига айтилади.

яна йўл босиб, Кампирўлгансоини кесиб ўтиб, Какликсоига етдилар.

Абдуллахон ака сув бўйига капасини тикди. Ўзи билан олиб келган четанларни қозиқ ва катта тошлар билан маҳкамлаб, ўз подасини ажратиб олиб келиб қамади.

Азамат, Яхшибой ота ва бошқалар эса кун кеч бўлиб қолгани учун шу жойда тунаб қолдилар.

Эрта билан ҳар қайси бригада бир-бирларидан бир неча юз метрларча нарида жойлашдилар.

Азамат ва Иброҳим ака келишиб бринза қиласиган устахонани куришда Абдуллахон акага ёрдам бердилар.

Нозикой онаси билан тош териб келиб, катта-кичик қозонларга ўлчаб, ўчоқ қилдилар.

Азамат ҳар бир имкониятдан фойдаланиб, Нозикойга қаар ва унинг олдида жуда ғайрат кўрсатиб ишлар эди. Кун кеч бўлгунча ҳамма қиласиган ишларни тамомлаб, ўз капаларига кетдилар.

Эртасига колхоз чорвасида одатдаги ҳаёт бошланиб, ҳамма ўз иши билан машғул бўлди.

УЗУН САФАР

Коронгу кечада қаттиқ совуган тоғ шаҳтошларининг устига тегиб турган ҳаво қатламлари совиб, унинг оғирлашган кисмлари тоғ ораликларидан, тоғ қисикларидан сойлик ва тоғ ёнбағирларидан тезлик билан пастга қараб эсиб сойликнинг ёйилган ўрнида жойлашган кишлокқа тинмай етиб келар эди. Ҳаво оқими сабабли бошланган шамол бу ердаги ўсимлик, дарахт барглари, ҳаттоқи, баъзан унинг шохларини ҳам синдириб, унинг бошқа нарсаларга урилиш натижасида улардан чиққан ҳар хил овозлар бир-бири билан қўшилишиб, шу жой учун маҳсус оҳанг пайдо қиласиди. Тонг отишига яқин осойишталик билан секин-секин ҳаракат қилган сабоҳ шабадаси худди қулоққа пичирлагандек тинч ва ширин уйкуда ётган кишлок ахолини аллалар, эркалатар ва уларнинг уйкусига лаззат қўшар эди.

Сойлик ичидан тошларга урилиб оққан сувнинг шилдира-

ган овози, сув эргаштириб келган намлик ва муздеккина ҳаво билан қўшилиб, бунда ўзига маҳсус табиий ўзгаришлар яратилаётганидан хабар берарди. Кишлоқнинг жанубидан кесиб ўтган тегирмон ариги бўйлаб, экилган ва вояга етган узун бўйли қўш тераклар, қишлокдаги бошқа ўсимликлардан баланд бўлганлари учун бу жойнинг посбони каби қўкракларини кериб, фахрланар ва яна баландроқ бўлишга интилардилар. Уларнинг сада каби тўпланган шохлари эса шамол таъсирига бўйсунган каби ҳар тарафга эгилиб, ботиш нуктаси даражасига етган - тўлган ой билан хайрлашар ва унга таъзим килгандек бўлар эди.

Бундай тинч ва осойишталикда фақат тегирмон тошининг гурсиллаб айлангани эшитилиб туар эди, холос. Вакт ўтиши билан узоқ-якиндан кичкирган хўроzlар ва кучукларнинг хурган овози эшитилиб, қишлокда меҳнат куни бошланишидан дарак берарди.

Кишлокда онда-сонда чирок ва ёнган шўълалар қўриниб, баъзи мўрилардан тутун чиқа бошлаган бир вактда, тегирмон ариги ёнидаги бинонинг айвонида ётган бир одам, худди узоқ ухлаб қолгандек ёки бирор жойга бормоққа кечиккандек шошилиш билан ўрнидан иргиб турди-ю, ёстиғи остидан тўни ни олиб, елкасига, ташлаганича айвоннинг боши берк тарафига қараб юрди. Айвон токчасидаги гугуртни чақиб лампа пилигига тутди ва лампа шишасини эҳтиётлик билан жойига ўрнаштириди. Чироғ ёргутида тўнининг енгини кийиб, дўпписини қидириб топди. Айвон ўртасига келиб уйқу билан курашган кишидек икки қўлини гриб қилиб бўйнига ташлаб, тирсакларини қимиirlатиб икки тарафга айланиб қаради. Сандали устида ётган пойабзали билан оқ пўстакчани чирок олдига олиб келиб, пўстакка ўтириб этигини кийди ва узоқ йўл юрган вактда оёғини уриб қўймаслик эҳтиётини қилиб оёкларини ерга уриб тепиниб кўрди. Тўшагини уйдаги тахмонга йигиб сафарга тайёрлаб қўйган ҳамма нарсаларини айвондаги хуржунга тикди. Эшагини супурги билан қашиб эгарлади-ю, қорин боғларини текшириб қўриб эгар устига хуржун, кичкина кўрпача ва пахтали чопонини ташлагандан сўнг жўнаб

кетишига тайёр бўлиб бирор нарса эсдан чикмадимикин, деб ҳар тарафга каради. Чироғни уйга олиб кириб ўчириб уй эшигини занжирлаб унга қулф солиш ўрнига чўп тиқиб кўйди.

Эшакни ҳайдаб, сувдан ўтиб, сўқмоқ йўл билан сув оқими тарафга юриб бориб бунда ўсган катта ёнғоқ дарахтига етгач чапга бурилди-ю, тор кўча билан юкоридаги текисликка чиқиб бир оз юриб боргач бир дарвоза олдида тўхтаб, кўлидаги таёқ билан эшикни кокди ва хола деб чакирди.

Дарвоза очилиб яна беркитилди.

Унинг холаси, ҳа, келдингми, Собиржон. Ҳамма нарсаларингни эсингдан чиқармасдан олдингми, – деб сўради.

– Ҳа, олдим, – деган жавобни берди Собиржон.

– Эшагингни охирга боғла, ана у айвондаги тўрвада см бор уни бўйнига ил, дедию, ўзи ўт ёниб турган ўчоқ бошига бориб, козондаги косага сут қуйиб ичига қаймоқ солиб мана буни ичиб ол, деб жиянига таклиф қилди.

Собиржон овқатдан сўнг холаси берган тутунларни хуржунга солиб кўчага чикди ва холаси билан хайрлашиб, эшагини ҳайдаб катта кўчага тушди. Ўзини узоқ сафарга жўнаганини энди сезди ва шошилмасдан сой тарафидан сув бўйлаб юкорига қараб йўл олди.

Кеча коронгусига хужум бошлаган тонг ёруғи, олмос каби ялтираган нур найзалари билан шаркни ёрита бошлади. Сочилган юлдузлар билан безалган қоронгу осмон кўк зумрад каби тус ола бошлаб, охири ҳаммаёқ ёришди.

Йўлнинг икки чеккаси ўрикзор, олма, тут, ёнғоқ ва бошқа дарахтлар билан тўлгани учун узлуксиз, бир-бирига туташган боғдан иборат эди. Бу ўсимликларга ҳаёт бағишлайдиган ҳар хил ариқ ва катта сой сувлари чулдираған овоз билан оқардилар. Сув атрофида ўсган ҳар хил рангли гуллар кечаси тушган шудрингдан баҳра олиб, қаддиларини кўтарган ва қўёш нурида гўзал бир манзара ҳосил қилиб, ўзларини кўрсатган вақтда кечаси дарахт шохларида мудраб дам олган сава, булбул, тўтилар тонг ёришига шодланиб баланд овоз билан сайрашар ва унга бошқа паррандалар овози кўшилиб жўр бўлган вақтда уларнинг суюкли овози табиатнинг нақадар гўзал, кенг ва

жоду каби кўздан яширин сирларга бойлиги одам ҳушини беихтиёр ўзига тортар ва хаёlinи узок, тинч жойларга олиб кетар, юракка ёқимли номаълум бир муҳаббатни солар, янги ҳаёт, келажак умидларнинг туйғусини уйғотар эди. Бу табиий ҳодисалар давомида тоғ орқасидан ёйилиб осмонга кўтарила-ётган офтобнинг тиник ва ранг-барант товланган нури табиат ҳуснига ҳусн кўшар, чиройини очар ва тоғ этагида тонг отиш манзарасини ҳосил қилиб, одам завқини орттирас эди. Бу табиий ўзгаришлар эндигина уйқудан уйғонган қишлоқ аҳолисига янги ҳаёт ва баҳтли меҳнат куни бошланганини англатар эди.

Бундай манзара ота-онасига ёрдам бермок учун баланд тоғ устига қараб биринчи қадамини босган Собиржон рӯхини кўтапар, кўнглини қувонтирас, унинг чинакам баҳтиёр эканини англатар ва табиатта унинг муҳаббатини орттирас эди.

Собиржон эшагини қистамасдан ҳайдаб қишлоқ ичидан анчагина йўл юргач, қўзи ёнбошдаги жўн устидан қиялаб пастдаги катта йўлга қараб тушиб келаётган мактабдошига тушди. Бу учрашишга Собиржон шодланса ҳам шошилмасдан кўлидаги узун калтаги билан эшагини бўйнига уриб йўлга кўндаланг қилиб тўхтатди ва келаётган ўртоги Мухторхонни кутиб олди. Икки ўртоқ бир-бири билан сўрашгач, Мухторхон еб турган олмасидан биттасини қўйнидан олиб Собиржонга бергандан сўнг икки ўртоқ жўра бўлишиб йўлга тушдилар. Булар ўзларининг мактабдалик вақтларида ҳар хил бўлиб ўтган воқеалар ҳақида йўл бўйи сўзлашиб бориб, анча йўл юрганларидан сўнг йўлни чап тарафида ўсган ўриклардан бири остида ётган катта япалоқ тош олдига етдилар. Бу жойда ўт яхши ўсганлиги сабабли эшакларини боқишини лозим топиб юкларини тош устига тушириб, эшак оёқларини турмаклаб ўтлагани қўйдилар.

Собиржон белбогини тош устига ёйиб хуржундан нон ва ёғ олиб, нонни синдириб қўйди. Мухторхон эса, тут майиз билан олма олиб келиб, икковлон нонхўрак қилдилар ва сойлик чеккасидан чикиб турган булоқ сувидан ичгандан сўнг, қолган овқатларни хуржунга солиб хотиржам бўлдилар.

Собиржон ўртоги Мухторхонга қараб уни қара қишлоқ жуда пастда қолибди, биз анча юкорига күтарилибмиз, деди. Сойлик тузилиши қишлоқ тарафига қараб қия бўлгани учун сой суви ўз йўлинин тўсисиб ётган катта тошлар устидан ошиб ўтиб, пастга қараб куч билан оқишини кўриб, икки дўст бу табиий ходисага таажжубланиб бир қанча вақт сувнинг оқишига тикилиб индамай жим қолдилар. Энди бу ёкка кел, мен сенга ўтган йили тилла ювган жойни кўрсатай деди. Собиржонни ўзи олдинга тушиб сой юкорисига қараб юрди. Сув бўйлаб тошдан тошга сакраб ўтиб сойликнинг қисиқ жойига етдилар.

Бу қисиқликнинг ичи тор, икки ён бағри тик, тор йўлакдан иборат бўлиб, қатта шахтошлардан тузилгани кўриниб турарди.

Собиржон ўртогини тезроқ тилла бор жойга олиб боришга қизиққани учун бунда узоқ тўхтамай, сойнинг ёйилиб оқсан жойига чиқдилар. Собиржон ўртоги Мухторхонга қараб кулимсираб мана тилла бор жойга келдик деди-ю, ўртогини қизиққанидан ёнган кўзларни кўриб фахрланиб тиллани кони ана, у чуқурчаларда деб сойлик ичида онда-сонда ковланиб кўйилган чуқурларни кўрсатиб, бултур кончилар шу чукурларда тилла толғанлар деди.

- Бу чуқур шу жойда илгари бормиди?
- Йўқ, уларни кончилар тилла қидириб ковлаганлар.
- Тиллани қанақа қилиб топар эканлар?
- Кончилар тиллани қум, майдо шағаллар ичидан ювиб олар эканлар: уларнинг қўлида туникадан ясалган товоғи бор экан, уни ўзлари «латок» дер эканлар. Шу елпиш товок ичига қум ва майдо шағалларни курак билан солиб, уни ичидан катта тошларни олиб ташлаб, қумдек майдаларни худди гурунчни ичидан курмагини чиқаргандек қилиб, ювиб-ювиб охири елпич товок ичида озгина ёки бир нос чакимдек келадиган микдорда майдаси қолар экан. Мана шу қолгани тилла бўлар экан ва уни қоғозга ўраб олиб кўйиб, яна янгидан елпигич товокқа қум солиб юва бошлаганини кўрдим. Бултурги кончилар нўхатдек ва ундан ҳам катта тилла доналарини топга-

нини кўрганман. Ана у чукурлар бултурги чукурлар, деб сўзи ни тўхтатди.

Мухторхон бу сўзларни биринчи эшитиши сабабли кўп таажжубланиб ўртоғига қараб кончилик жуда ғалати ишда, мен бу ишга жуда кизиқиб қолдим, агар ҳозир шу тошлар, ёки қумлар орасидан отни калласидек тилла чикиб қолса эшакка ортиб кетар эдик, ёки бирор жойга кўмиб қўйиб тогдан қайтганда олиб кетардик-а?

Собиржон ўртоғига қараб унинг сўзини маъқулласа ҳам, бундай катта тилланинг топилишига ишонмай кулиб, қўйди. Ўртоғининг катта тилла топилишига шубҳаланганини сезган Мухторхон сен бу ерда тилла борини қандай билдинг, деб сўради.

Бунга жавобан Собиржон қандай билганимни айтайми? Ёки мени синамоқчимисан, деди.

- Йўқ. Мен бу масалага жуда кизикдим, – деб жавоб берди.

Собиржон ўртоғига қаради ва унинг чин кўнгилдан билмоқчи бўлганини ва жавоб кутаётганини англаб энди тортина масдан сўзга кириди.

– Мен бултур ўқишимни қизгониб дадамлар билан токка кетмадим, шунинг учун қишлоқда, холам олдида қолдим. Бир куни тоғам келиб мени ўзи билан шу жойга олиб келди. Тоғам шу кончиларда хизмат қиласр эканлар. Мана шу чукурларни кўпини тоғам ковлаганлар, кончилар ичида тил биладиган бир одам бор экан, ўша одам тилла бор жойни билар экан. Ушани сўзига қараб ҳар қаерни ковладик. Мен бўлсам тоғамга ёрдам бердим.

- Тилла ер остидан қайнаб чиқар эканми?

- Йўқ, шағал, қум ва лойқалар билан бирга уни сув юқоридан оқизиб келар экан. Тил биладиган одам айтдики, тилла кони юқорида бўларкан. Бу коннинг тошлари тилласи билан ташқи, табиий ҳодисалар таъсирида майдаланади, уваланади ва бу майдаланган қаттиқ тошлардан тупрок, кум ва ўткир киррали парчалар пайдо бўлади. Бу зарраларни, ичидаги тилласи билан, сел, ёмғир ва сой сувлари оқизиб пастга олиб тушиб, кучи камайган жойларда тиллани қолдириб кетар экан.

Тош зарраларининг катталари эса сув юмалатган вақтда бир-бири билан урилиб, бир-бирига суркаланишиб, кирилишиб, ишқаланиши сабабли ўз қирраларини йўқотиб, юмалоклашиб, майда ва катта шағалга айланар экан. Атрофимиздаги қум ва шағаллар шундоқ бўлиб бу жойга келиб қолган. Тилла оғир бўлгани учун улардан ажралиб, маълум жойда тўпланиб қолар, унинг қайси жойда йигилиб қолишини инженерлар билар, ўша жойларни кавлатар эканлар.

– Шу сўзларни инженерлар ўзи ковловчиларига тушунтирган вақтда ўзинг эшлиб турувдингми? – деб Мухторхон ўртоғидан сўради.

– Мен бирга эдим, инженернинг суҳбатидан сўнг тоғам ва ундаги ишчилар ўзаро сўзлашганларида ҳам мен астойдил қулоқ солиб турганим учун англаб олдим, бўлмаса мен бунаقا нарсаларни билармидим, – деб жавоб берди.

Мухторхон ўртоғига нимага тилла шағал ва қум ҳамма жойда ҳам бўлавермайди, деб яна саволни тақорорлади ва ўзининг тилла топишга иштиёки жуда зўр эканини билдириди.

Собиржон эса бу саволга жавоб бера олмай ҳайрон бўлиб қолса-да, бир нарсани ўйлагандек, билган нарсасини эсидан чиқариб қўйган кишидек ўйланиб қолди. Уларнинг бултур тилла топган жойлари сандалдек ва ундан ҳам катта тошлар таги эканига тушунмаган экан. Собиржон кўрсаттан тилла кони тубандагича пайдо бўлган: юқоридан тилла, қум ва лойқа оқизиб келаётган кучли сув оқими катта тошларга келиб урилган вақтда ўз кучини йўқотиб, тошлар тагида мавжуд бўлган кичкина сув айланмасига келиб тушади, тилла оғир бўлгани учун тезда тош тагига чўкиб тўпланади. Қум ва лойқалар эса бу айланмадан чиқиб кетади. Шундай ҳодиса сув қирғокларининг ўйилиши сабабли сув чеккаларида пайдо бўладиган сув айланмаси – гумларда ҳам рўй беради. Булардан ташқари, сув тошқини вақтида (сувнинг оз бўлган вақтида ўтлоқ бўлиб ётган) адир устидаги ўсимлик ораларига кириб қолган тиллалардан тузилган эди. Собиржон бу масала устида билармон бўлиб кўп ўйласа ҳам охири мен билмай қолдим, деб жавоб берди.

Агар тилла шағал, қум ва лойқа билан аралашган бўлса, аввал тилла мана у сувнинг юрадиган йули, яъни сув ўзанида бўлиши керак эди. Аммо тошқин вактида сув бостириб чиқадиган адирларда ҳам тилла бор-ку? Бундан ташқари, сойликнинг икки тарафида сув бўйлаб кетган баланд текис йўлнинг ости ҳам шағал, қум лойқадан тузилган, деб икки ўртоқнинг фикрига келди. Сув чиқолмайдиган жойда қандай қилиб шағал, қум ва лойқа пайдо бўлишига акдлари етмай қолди. Ҳозирда сув чиқмайдиган шағал ва қумдан тузилган сойлиқнинг икки чеккасидаги баландлик қадими даврда сув юрган сойлиқ ости бўлиб, кейинги вактларда сув ўз остининг ўрта қисмидан ювиб кетиши ва ўйиши сабабли, сув пастки чукурдан оқадиган бўлиб, икки тарафида ювилмай қолган текислик пайдо бўлган ва бунга терраса номи берилган. Бу террасанинг сув атрофида бўлиши-бу жойдан қадими вактларда сув оққанига шоҳиддир. Улар шу террасалар ичida ҳам жуда кўп тилла бўлса керак, деган фикрга келди.

Булар ҳозирда йўл бўлган террасадан ташқари, уни юкори-сида шунга ўхшаган, ҳозирда ўрик ва тут экилган, унинг киялигидан пастта тўкилган шағални кўрди. Бу террасанинг нариги чеккасида яна бир тепалик мавжуд эканини сездилар ва уни остидан чикиб турган булоқнинг атрофи шағалдан тузилганини аникладилар. Бу ҳодиса бу жойда тилла жуда кўп бўлса керак, деган фикр ва биз ҳам тилла топишимиз мумкин, деган орзуни уларнинг юрагига солди. Энди қандай бўлса ҳам харакат қилиб тиллани топишимиз керак ва уни кўтариб отамизга совфа қилиб олиб борсак жуда яхши бўлар эди, деб баробар гапириб юбордилар.

Мухторхон бир нарсани ўйлаган киши бўлиб ўртогига қараб, агар бу ерга тиллани сув олиб келган бўлса, асосий кони қаерда бўлар экан-а, деб ўртоғидан сўради. Ўртоғининг жавобини кутмай, сен буни инженердан сўраб олмаганимидинг? – деди.

Собиржон бу саволга жавоб бермоқни лозим топиб, мени сўрашга ҳаққим йўқ ва мен катта одамлар ичida сўз бермай уни-буни сўрайверсам айб бўлар эди ва мени ўлардай маҳмадона, шаккок экан деб ҳамма ёмон кўриб колиши мумкин

эди. Шунинг учун инженер сўзлаб, ҳамма хизматчиларга тушунтирганда мен ҳам қулоқ солиб ўрганишга тиришар эдим. Кончиларга қўлимдан келганича ёрдам берар эдим. Мени билганимча, тилланинг асл кони қоронғу ғорлар ичида бўлади ва ундан сув майдалаб олиб чиқса керак, деб ишчилардан эшитганман, деди.

Бундай кутилмаган жавоб Мухторхонни ишонтириди ва у гор топиш лозим, дея ўйлади.

Энди нима қилишимиз керак экан-а, деб ўртоғининг ҳар тарафга қараси, Собиржонни ҳам ўзи айтган сўзига ўзини ишонмокқа олиб келгани учун, қани энди гор топсак ва унинг ичидан муштдек, балки ундан ҳам каттароқ келадиган тилла топсайдик, – деб қўйди.

FOP ВОҚЕАЛАРИ

Собиржон ўртоғига қараб: «мана бу ғорчилар ковлатиб кетган ҳовузчалар сувига тушиб бироз салқин бўлиб олмаймизми» деб таклиф қилди. Бу таклиф Мухторхон тарафидан маъкул топилди.

Икки ўртоқ сув ичида анча вақт ҳар тарафга сузиб юрдилар.

Сувдан чиққанларидан сўнг йўлга тушиш лозимлигини билсалар ҳам, тилла топилган жойдан акраб узоқда кетишига кўнгиллари бўлмади. Тилла топиш ҳаваси икки ўртоқнинг фикрини ўғирлаган ва уларнинг кўзини ҳар тарафга алангашга мажбур қилган эди. Бундай хаёлга чўмган Собиржон ва Мухторхон сувнинг юқорирогида хиёл кўринган кисиқликка бормоққа қарор қилдилар. Сув ўзанини дам у тарафга, дам бу тарафга ўтиб, охири сойлиқнинг иссиқ жойига ўтдилар. Бу жой Мухторхон кўзига бир номаълум қудратли арра билан арралаб тушган чуқурдек бўлиб кўринди. Бу кисиқлик девори каттиқ тошдан тузилганини ва бу жой чуқурлигини, бир неча терак бўйича келишини кўриб, кўнглига аллақандай хаёллар келди ва бир нарсани сўрамоқчи бўлиб, Собиржонга бурилди, лекин ҳеч нарса демай яна қаттиқ деворга қаради. Собиржон худди Мухторхоннинг фикрини билгандек, унга қараб:

«Кўрдингми, бу жойнинг ён девори шаҳтошлардан тузилган, худди қатламанинг синдириб қўйган бўлагидек қатма-қат юлқа ва майда бўлиб бир-биридан ажралади. Бу жойнинг тоши қаттиқ бўлгани учун сув сойлиқнинг энига қараб унинг кирғогини ювиб кетолмай остига ўйиб тушган, бу ерда шагал, кум йўқ, катта юмалоқ тошлар бор. Шунинг учун бу ерни, тилла йўқ деб, кончилар ковламаган эдилар деб», - бир нарсани қидирган киши бўлиб ҳар тарафга қарадилар.

Ўртогининг бу сўзлари Мухторхонга обрўйлик бир муаллим сўзицек эшитила бошлади. Энди Мухторхон юрагида Собиржоннинг кўп нарсани ўрганиб олганига шак-шубҳа қолмади. Шунинг учун Собиржоннинг сўзига илгаригидан кўра қаттиқ дикқат билан қулоқ сола бошлади.

Булар қисиқликнинг тоши қаттиқ бўлгани учун уни ювишга сувнинг кучи етмаганини билсалар ҳам, бунинг аксинча сойлик ёпиқ жойларининг тошлари юмшок бўлиб, тезда сув билан ювилиб кетиши кейинги вақтларда унинг ўрнига тупроқ ётқизилгани сабабли бу жойга қишлоқлар тушгани, экинзор, боғлар пайдо бўлиб, халқ яшайдиган масканга айланганини била олмадилар. Ҳаттоқи бундай фикр уларнинг аклига ҳам келгани йўқ. Икки ўрток сувнинг юқорисига қараб қисиқлик ичидан юра бошладилар. Қисиқлик эса борган сари торая борди ва ичига офтоб ҳеч тушмайдиган даражага етганда, ҳаво бўзаргандек, ёки суюқ туман тушгандек бўлиб ҳаво қаттиқ совиди. Бу аҳвол икки ўрток юрагига англаб бўлмайдиган аллақандай бир қўркув солди. Яна озрок юрсак бундан ҳам ваҳимали воқеаларга учармиканмиз деган ҳавф буларнинг йўлдоши бўлди. Ҳали ҳеч нарса бўлгани йўқ, агар орқага кайтсак номардлик бўлади деган фикр улар кўнглига таскинлик ва қадам ташлашга ёрдам берди. Кўп вақт ўтмасдан қисиқлик ичидаги ҳаво ёриша бошлади ва охири булар яна сойликнинг ёпиқ жойига чиқдилар.

Бу жой икки тарафдан келган сувнинг бир-бири билан кўшилган ўрни бўлиб, бу ерга бир тарафдан тор қисиқликдан сув оқиб чиқсан бўлса, иккинчи тарафдан сув катта гор ичидан оқиб чиқиб катта сув ҳосил қиласарди. Бу жойга етгач,

сойлик ичидан юришга йўл йўқ бўлиб қолди. Икки ўртоқ тоғ ёнида ўсган болалар бўлсалар ҳам бундай мураккаблашган манзарани илгари кўрмаганликлари сабабли қандай жойга келиб қолганликларига ақллари етмай ҳайрон бўлиб, бир нарса деёлмай беихтиёр катта тош устига чиқиб, ҳар тарафга карасалар ҳам кўзларига ҳеч нарса кўринмади. Тош устига ўтириб кўйниларидағи электр чирокларини олиб, унинг дастасини бир тарафга суриб ёндириб бир-бирларига кўрсатдилар.

Булар чирокларини синовдан ўтказишга овингдилар десак, аммо рўпарада кўриниб турган горнинг катта оғзи ва унинг ҳеч нарса кўринмайдиган коронги ва қўркинчли ичи буларни ҳар хил хаёлга солди ва узок вақт икковлари ўринларидан кимирламай, худди нафас олишдан ҳам тўхтагандек жим бўлиб, гор оғзидан кўзларини узмадилар. Гор оғзини кўздан кечириб, охири кўзлари гор остида кўрпа каби тўшалган оқ мармар тош қатламига тушди, айниқса унинг устидан ёйилиб пастга оқиб тушаётган тиник сув булар фикрини ўзига жалб қилди.

Бу манзаралар улар дуч келган оддий кўринишларга ўхашаш бўлгани учун Собиржон бир оз ўзини тутиб олди, лекин хаёлида пайдо бўлган шу гор ичидаги албаттага тилла бўлиши керак деган фикр унга ором бермади. У ўрнидан бир нарсани ўйланган киши бўлиб турди-ю, ўртоғи Мухторхонга караб қани турчи гор оғзига бориб кўрайлик-чи, деб хитоб қилди.

Мухторхон индамасдан ўрнидан турди. Икки ўртоқ бирин-кетин тош устидан пастта тушиб гор оғзига караб юра бошладилар. Сув ичига катта тош ташлаб йўл қилиб, ундан сувнинг ўнг тарафига ўтиб гор оғзига етиб келдилар. Бир оз гор ичига караб тикилиб турган эдилар, буларнинг кўзи коронгуга чиникиди ва анча ичкарини кўра бошласалар ҳам қаноатлантирадиган бирор нарса кўринмади.

Булар фонарларини ёқиб ичкарига кирдилар. Чирок шульласи таъсирида Мухторхоннинг кўзига аллақандай нарса ялтираб кўринди. Ана у нарсага қара, - деб ўртоғига кўрсатди.

Собиржон жавобан, шошма, ўзим ҳам кўриб турибман, яхшилаб қара, - деди.

Мухторхон гайратини тўхтатолмай олдинга бир неча қадам босиб ғор ичкарисига кира бошлади. Собиржон ҳам унинг орқасидан эҳтиётлик билан борди.

Мухторхон бир оз юргач, тўхтаб ўртоғига қараб, билдингми, тилла кони шу ерда бўлиши керак, нимага десанг бу ғорга ким кирибди ва биздан бўлак одам бу ерда тилла борлигини билибдими-а? - деди ўртоғини маъқул топган фикрини билгач яна йўлга қараб қадам босди.

Бу вақтда ғор ичи буларни ўзига мустаҳкам жалб қилгани сабабли икковлари ўртасида шунчалик тинчлик, эҳтиётлик пайдо бўлдики, ҳатто ғор ичидан чиқаётган шабада ва қайси жойдандир сувнинг шилдираб тушган овози эшитила бошлади. Булар ўз кўнглига тинчлик солиш ва бир оз бепарво бўлишни истасалар ҳам ғор ичини даҳшатли кўриниши буларни эркалатиш ўрнига юракларига аллақандай ваҳима солди. Булар юрагига тушган хавфни бир-бирларидан яшириб ҳудди қўрқмагандек бўлиб кўринишга уриндилар. Секин-аста қадам ташлаб, ердан биттадан катта тош олиб, эҳтиёт шарт белбоғларига қистирдилар. Ўнг кўлларига эшак елкасига санчадиган олма шохидан қилинган калтак ва чап кўлларига фонарларни ушлаб, чироқ ёруғида ғорни ичкарасига қараб дадил қадам ташладилар ва ҳар қандай шароитда ҳам ғорни текширишга қарор қилдилар. Булар бир-бирлари билан энди сўзлашибини тўхтатган ва ҳамма фикр-хаёлларини ғорнинг ичкариғида нима ҳодисалар рўй берар экан, деган ўй банд этган эди. Бирданига кутилмаган жойдан бизга ҳужум бўлмасмийин, ҳужум килувчи нима ёки ким экан деган ўйлар буларнинг эътибор билан қулоқларини олдиндан келадиган овозга тутмоққа мажбур қилди. Ғор ичкарисига кирган сари ўзгаришларни сеза бошладилар.

Ғор ичидан чиқаётган совук шабада, ғор учун махсус бўлган заҳ иси ва ғор бўшлиғида пайдо бўладиган гувиллаган овоз икки ўрток учун кутилмаган вазиятни тугдирди ва уларнинг юрагига қўрқув солди. Икковларида ҳам ҳудди совқоттан одамга ўхшаб калтироқ бошланди. Бундай қўрқинч икки ўртокни ичкарига киришдан воз кечиб орқага қайтиш фикрига даъват

қилса ҳам, ғор ичидағи ҳаётдан хабардор бўлиш ҳаваси кўркинчни орқага сурар ва улар бир-бирига орқа қилиб қадам босар эдилар. Кор устидағи мартарошга қадам босиб, унинг донадор, сутдек оқ кристалларини кўргандан сўнг уларнинг назари бу мартарни усталик билан узоқ замонлар бадалида, силлиқ қилиб кесиб ўзига ариқчага ўхшаган йўл очган тиник ва кўм-кўк сувга тушди. Бу жойда икки ўртоқ бир оз жим ва қимиirlамай тўхтаб ғор қоронғисига қараб қолдилар. Кўзлари қоронғуга бир оз чиниққандан сўнг, кўркинч ва қалтироқ пасайиб ўзларини бир мунча тутиб олишгандан кейин бир-бирларига қараб кулишган киши бўлиб, қани ичкарига кирамиз, деб яна юра бошлидилар.

Ғор оғзи баландлиги уч метрлар, эни эса 4-5 метрлар чамаси бўлиб, ичкарисининг баъзи жойлари жуда кенг ва баланд гумбазга ўхшаб тузилган, деворлари нам, баъзи жойларидан марвариддек тизилган томчилар чирок ёруғида ҳар хил рангда жилваланиб товланар эди. Ғор ўртасини ариқча қилиб оқиб ўтган сувнинг икки чеккаси мартар тошдан тузилган текис йўл бўлиб, бу текислик шу тузилиш учун маҳсус, кичкина туб жой террасаси номи билан маълумдир. Сувнинг икки чеккасидан эҳтиётлик билан қадам босиб ичкарига қараб кирган сари, ғорнинг ички тузилиши ўзгара бошлиди. Энди ғорнинг ичи жуда торайиб, икки ўртоқ бирин-кетин ғор тешигидан ўтиб жуда катта уйга ўхшаган жойга етдилар. Бу жойнинг саҳни ўртасида чуқур ҳовуз жойлашган ва атрофдан келган сув оқимлари шу ҳовузга тушиб, ундан ариқча орқали гордан ташқарига қараб оққанлиги маълум бўлди. Ҳовуз атрофларида худди одам қўли билан ясалгандек оқ тошлардан тузилган суффаларни кўрдилар. Икки чироғ билан ғорнинг ҳар тарафига қараб, бир нарсани кидирган кишидек тикилсалар ҳам ҳеч нарсани кўрмадилар. Ҳовуз ичida сузib юрган катта-кичик балиқларнинг усти тимқора бўлиб, ёнбошга ағдарилгандагина уларнинг тангалари чироғда ялтираб кўринар эди. У балиқлар ҳовуз ичida секин ҳаракат қилиб юришарди. Икки ўртоқ ҳовуздаги балиқларни қандай килиб бўлса ҳам ушлаш тадбирига киришгандарига қарамай, осойишта сузib юрган

баликлар уларга туткич бермадилар. Овдан барори келмаган ўртоқлар ховуз атрофида ичкарига борган сари, юқоридан пастга оқиб қотиб осилиб қолган оқ рангли минерал оқиқларни кўрдилар. Уларнинг ғор шифтига ёпишган қисми йўғон, пастга осилган уч тарафи эса бигизга ўхшаган учли. Уларнинг баъзилари чўзилиб ерга қадар етган ва худди ғор шийпони табиий устун билан тираб қўйгандек манзарали жойга кира бошладилар.

Бу устунлар кўплигидан бу жой минерал оқиқлар ўрмонини хотирага келтирас эди. Бу узун оқиш шаклидаги минераллар чироғ нурини ажратар ва ҳар хил рангли нурларга бўлар ва уларни минерал устида ўйнаши икки ўртоқ фикрини ўзига жалб қиласар ва қизиқиш орқасидан улардаги қўрқинч бутунлай йўқолди. Собиржоннинг кўзи ховуз тўрида тортилган жуда юпқа ва нафис чимилдиқ пардасига тушди. Бу парда орқасида яшириниб бошидан сув қўйиб турган бир қиз кўринди. Собиржон секин ўртоғини туртиб кўрдингми деган ишорани килди. Икковлари парда ёнига бориб қарасалар, бу парда ялтираган қордек оқ минерал массаларидан тузилган бўлиб, худди ипакдек ялтирас ва остки қисмida майин тўқилган тўр каби ажойиб ҳошиялари бор эди. Бу кўриниш уларни ҳайратга солди. Унинг ортида қўлида коса ушлаб мармар тош устида чўнқайиб ўтирган қиз ҳам пардага ўхашаш тош бўлиб қолганлигини кўрдилар. Бу манзарадан сув қизи тош бўлиб колибди, деган хаёлга бордилар. Қизни қандай жодугар тош килиб қўйган экан, деган савол ўйлантирди уларни.

Бу катта жойдан қисиқлик орқали горнинг ичкариогидаги иккинчи хонага киришди. У ерда тошдан бўлган шерни, уни ёнида саватдаги қандиллар, курсига ўхшаган супачалар ва ёнбошдан чулдираб пастга тушаётган сувларни кўрдилар. Бу жой илгаригига қарганда яхши безалган уйдек бўлиб кўзларига кўринди.

Бу хонадаги минераллардан тузилган дарахтга ўхашаш устунлар илгариги хонага қараганда ингичкароқ ва бир-бирига яқин жойлашган экан.

Бу хонанинг узунлиги 25-30 метрлар келадиган бўлса, эни-

га эса уч-тўрт метрларга борарди. Шунинг учун бу жой узун йўлакка ўхшаган шаклга эга эди. Бу хонанинг бош тарафида худди театр саҳнасига ўхшаган қисми бор бўлиб, худди унинг икки ёни парда тортилгандек юпқа минерал оқиқлардан тузиленган. Саҳна залдан икки метрларча баланд ва усти текис эди, унинг энг тўрида минералдан тузиленган оқ айланана супа кўринди. Фор ичидги бундай ажойиб манзара икки ўртоқни ҳайратда қолдирди. Улар чирок ёрдами билан ҳар тарафга қараб, секин-аста йўлакнинг тўрига бориб саҳнанинг ёнидан ўтганиларидан сўнг одам энгашиб ўтадиган бир тешикни кўрдилар ва яна ичкарирокқа киришга қарор қилдилар. Тошдан аввал Мухторхон ўтиб пастга қараб сидирилиб тушди, ўртоқ тушавер, пасти кенг экан, деган овозни эшигтгач, унинг оркасидан Собиржон ҳам пастга тушди. Бу жойнинг эни 3 метрларча бўлиб, бош тарафи торайиб боргани кўринди.

Пастга тушган ўринларидан бир неча қадам юрганларидан сўнг чап тарафдан келган тор бир йўл пайдо бўлди. Шу йўлакнинг бош тарафи камалакдек юқорига кеттани кўринди. Унинг ичига қаерданdir хира ёруғлик тушиб турарди. Икки ўртоқ ёруғ тушган тарафга қараб эҳтиёткорлик билан юра бошладилар.

«Мухторхон шошма, ўртоқ, менинг юрагимга қаттиқ ховлиқиб, оёғим юрмай қоляпти, қадамим орқага кетаяпти», - деди Собиржон ўз ўртоғига. Мухторхон эса: «Шунча юриб келдик ҳеч нарса бўлгани йўқ-ку, менинг билганимча ҳеч нарса қилмайди, кўрқма», - деб жавоб бериб ўртоғи кўнглига таскин бермоқчи бўлса-да, ўзи олдинга тушиб йўл бошламади. Горнинг ичкарисига кирган сари унинг ичидан бир ноҳуш сассиқ ва қўланса зах иси буларнинг дамини қайтариб, нафас олишларига тўсқинлик кўрсата бошлади. Бундай ноқулай шароит ичida бир оз юрган эдилар, горнинг юқори тарафидан тушунарсиз хириллаган овоз ва қарасаларда ҳеч бир нарса уларнинг кўзларига кўринмади. Во, ажабо, бу нима экан? Бу қанақа товуш-а? – деб ҳайрон бўлиб турганларида,

бу овоз горнинг ҳар тарафидан кўтарилиди ва овознинг энг кучлиси гор шифтидан келди. Ўртоқлар ўринларидан қимирамай қолдилар ва зўр кўркинч устида чироғларини горни ҳар тарафига тутиб ёруғ килиб қарадилар. Собиржон, кўрдингми, ана у, шифтда қимирлаётган кизил кўзлик нарса нима деб ўртоги Мухторхонга кўрсатди. Икки чироқ ёргутида бир нарса кўрдилар... ва беихтиёр ўзларини бир қадам орқага ташладилар. Мухторхон ўзини бир дамда тутиб олди ва у ҳайвон чироқ нурига қараёлмасдан ўзини орқага тортганини сезган ҳолда ўртогига чироқдан кўркяпти, чироқни қушга тўғирла. Қочма, секин-секин тисарил, деди. Чироқ тутиб, шифтда овоз бериб юрган нарсага қанча тикилиб қарасалар ҳам уни яққол кўриш иложи бўлмади. Бу маҳлук горнинг бу қисмидаги тог жинслари ичида кўринмай қолар эди. Қоронғу гор ичида икки ўртоққа қарши хужум бошлаган, кўзга яққол кўринмаган, аллақандай кора нарсаларнинг кўзи қип-қизил ўтдек ёниб унинг кичкина қорачиги буларга душманлик назари билан қараб каттиқ тикилар ва бошини икки тарафга эгар эди. Но маълум ҳайвонларнинг буларга қарши қилган ҳаракати ва оғзидан вишиллаб чиқарган овози, улар юрган йўлидаги минерал устунларга ўзларини урганидан пайдо бўлган тирсиллашлар бир-бири билан кўшилиб ё ҳаёт ёки ўлим хавфидан хабар берар ҳолга етди.

Собиржоннинг кўзи минерал оҳакдан бўлган устунга ўрагиб пастдан юкорига қараб кўтарилаётган жуда катта қопкора бир ҳайвонга тушди-ю, кучли овоз билан «аждарҳо» экан, деб шовқин солди. Бунга жавобан «Кўркма, кўркма, чироғингни унга тут, кўзига қарат, секин-секин тешик оғзига қараб тисарил», деган Мухторхоннинг сўзини эшилди.

Кора илонлар галасининг буларга қарши бошлаган хужумини чироқ ёрдами билан қайтариб ўзлари ўтиб келган тешик оғзига етдилар ва бирин-кетин тешикдан ўтдилар. Сахна олдига етганларида илонлар ҳар тарфдан буларга хужум бошлаб, уларнинг сони кўпайди. Энди илонлар уларга ёнбошдан ҳам тилини чиқариб ташлана бошлади. Уларнинг калтак билан тез-тез минерал массаларга уриб тақииллатишларидан илон-

лар кўркиб, харакатини бир оз вақт тўхтатсалар-да, кейин яна шериклари ҳужум бошлар эди.

Фор ичидаги кураш анча вақт давом этиб, икки ўртоқ илонлар ҳужумини даф этиб, секин-секин орқага қайтардилар.

Катта хонадаги ҳовузга яқин етган вақтда Мухторхон,вой, бир нарса оёғимга ўралиб жуда қаттиқ сиқа бошлади, агар этигим бўлмаса болдиримни синдиради, ҳеч юргизмай қўйди, тез қара, деб ўртоғига ишора қилди-ю, ўзи олдидан келган илонларга қарши ҳаракатини тўхтатмади. Оёғи оғриганидан орқага қайтишга дармони етмади. Мана энди йиқиламан илонлар менинг ҳамма ёғимдан ўраб бўғадилар, деган фикр уни умидсизлантириди. Собиржон тезлик билан фонарини ўртоғини оёғига тутди ва тиззасидан юқорисигача Мухторхоннинг оёғини ўраб олиб, энди сонига бир ҳалқа бўлиб ўралаётган катта йўғон қора илонни кўрди. Илон фонарни кўргач бош тарафини сонидан бўшатиб Собиржонга қараб ҳужум бошлаганида қўлидаги калтаги билан илонни ураман, деб ҳамла қилган эди, калтак илонга тегмай қўлидан чиқиб кетди. Собиржон ўзини йўқотиб қўймай, тезлик билан калтакни ердан олиб яна бир урган эди, у мўлжаллагандек калтак илонни бошига тегди. Илоннинг боши айланиб, бошини пастга қараб эгди, у бошини кўтаргунча, Собиржон этигини пошнаси билан илонни бошига тепди-ю, гавдасини оғирлиги билан уни эзди. Илон қимиirlаса ҳам боши янчилгандан сўнг питирлаб охири бутунлай бўшашибди. Собиржон калтагини учи билан ўралиб ётган илонни ажратиб олиб думидан олиб горни тўрига қараб иргитиб юборди. Унинг узунлиги 1,5-2 метр бўлиб, йўғонлиги болта дастасидек келарди. «Илонни урсанг, бошидан ур, ўлдирадиган бўлсанг бошини янч», деган ҳалқ мақолини ишлатиб душмандан зўр чиқсан Собиржон, ўртоғини орқасидан туриб илонни олиб ташладим, энди орқага қайтавер, деди.

Икки ўртоқ илонлар билан курашиб секин-секин орқага тисарилиб, ҳовуз олдига етганда илонлар ҳужуми бўшашгандай бўлди ва жиддий кураш билан фор оғзига яқинлаша бордилар. Фор оғзидағи туман ва ёруғликни кўргач, ҳужумкор

илонларнинг сони камайди ва ўртоқлар текис йўлдан тезрок юриб ҳар тарафга чироқ тутиб гор оғзига чикдилар. Энди илонларнинг хужумига қарамай сой ичидан тошдан-тошга сакраб, коронги қисиқликдан ўтиб, тўхтамасдан, орқага қарамасдан, сойлиқ ичидаги ўzlари тушган жойга етдилар. Ундан юкорига қўтарилиб катта йўлга чиқиб юклари турган жойга етдилар. Улар орқаларига тикилиб қараб сой ичини кўздан ўтказиб ҳаммаёқ тинч ва буларни қувлаган илонлар йўқлигига ишонгандаридан сўнг, қўлларида чироғни ўчириб икки ўртоқ бир-бирларига «Уҳ» деган овоз билан чарчаганликларини билдирилар.

Катта тош устига ўтириб, нафасларини ростлаб олгач, ўзларига назар солиб бир ажойиб ҳодисани кўрдилар, этиклари ичи бутунлай сувга тўлган, тўнларининг елка ва ёnlари илиниб йиртилган, қўллари ва бетлари тимдалангандаридан, тер қуилиб кийимлари сиқадиган даражада ҳўл эканини сездилар.

Уст-бошларини ҳар хил дарахтга илиб қуритиб, тош устида, тоза ҳаво ва офтоб иссиқлигига эркаланиб ётиб, қаттиқ уйқуга кетдилар.

Гор ичидан ўртоқларнинг кўриб чиқсан ва оқиқ шаклда пайдо бўлган минерал массалар гор ичидан қандай ҳосил бўлган ва қандай бўлиб тузилган деган саволга жавоб беришга ҳоллари қолмай уйқуга кетган бўлсалар ҳам, бу табиий ҳодисани билмоқ учун қишининг совуқ кунларида, томнинг тарновидан оқсан сув музлаб узун бўлиб осилиб тушганини эслашгина кифоя қиласди.

Гор ичидаги оҳаклар ҳам худди шунга ўхшаш бўлиб тузиладилар. Агар сув совукдан муз ҳолига келган бўлса, гор ичидаги минерал оқиқларнинг пайдо бўлиши бошқа шароитга боғланганнадир. Ичизда оҳак пайдо бўлган горлар геологик жиҳатдан, асосан, оҳактошлардан тузилган бўлади. Бу тошларнинг қатламалари кўшимча синган, дарз кетган, баъзи жойлари эзилган, янчилган бўлади. Шу ёриклар орқали жуда секинлик билан оқиб ер остига кирган ёмғир, қор ва бошқа сувлар йўлидаги оҳактошларни зритиб бир мунча қуюқ ҳолга келиб, қатлам ёрикларидан секин-секин сузиб ўтиб гор шиф-

тидан пастга қараб жуда сустлик билан тома бошлайдилар. Бу томчилар ичида эриган оҳак моддаларининг кўп бўлишига сабаб шуки, бу томчилар қатламлар орасидан ўтаётган вақтда, унинг ичида мавжуд бўлган юқори даражали босим иссиқлик таъсирида сув томчиларининг эритиш хусусиятини ортириб юборади.

Бундай қуюқ эритмалар гор ичидаги бўшлиққа чикканларидан сўнг унда босим ва иссиқлиқ йўқолиб, янги шароитда, сувда эриган оҳакнинг ортиқча қисми сувдан ажralиб гор шифтига ёпиша бошлайди (кристалл шаклига келади), бу жараён узоқ вақтлар давом этиши натижасида кальцийли минераллардан тузилган оҳаклар пайдо бўлади.

Кор ичида икки ўртоқ кўрган оҳаклар ва бошидан сув кўйиб ўтирган қиз ва бошқа шакллар ҳаммаси оқиқдан ҳосил бўлган.

Тогда яшовчи аҳоли бундай минерал массасининг пайдо бўлишига қараб унга жуда тўғри оҳак деган ном берганлар. Мол айниқса эчкиларнинг оёғи синиб қолса, бу оҳакни мўмиёб деб талқон қилиб уларга берадилар ва шунинг ёрдамида синган жой тез тузалади.

Булар ўйғонган вақтда ҳавога булат чиккан эди, тўда-тўда бўлиб бир тарафга ўтиб кетаётган тия булатлар сояси остида юриб турган шабада анча-мунча салқинлик келтирсанлиги сезилди. Куёш нури баъзан булат остидан кўриниб унинг иссиқлиги камайган ва ботиш тарафга қараб анчагина оғиб кетгани куннинг кечга яқинлашганидан хабар берар эди.

Икки ўртоқ ўринларидан туриб овқатланганларидан сўнг эшакларини қидириб анча вақтдан сўнг, одатда тоғ олдида мавжуд бўладиган ёйик тепаликдан ошиб ўтиб энди тоғ этағига етдилар.

Бу тоғ этагида ҳар хил ёввойи дарахтлар – ёнғок, сариқ олча, дўлана, олма, ер олча, бўйи осмонга етган, жуда йўғон чинорлар, қайнин дарахтлар, эргай ва бошқалар ўсган. Бу дарахтзор ичида ҳар хил паррандалар баланд овоз билан сайрап эдилар.

Үртоказлар бундай ажойиб манзарани кўриб шодланиб бир оз томоша қилиб кетишни хоҳласалар ҳам, кун ботиб қолиши ёки бузилиб келаётган ҳаво уларни жадаллаб йўл босмокка ва кўнгилсизликка учрамасдан тезда бир манзилга етиб олмоққа мажбур қилди. Улар бир қанча вақт пастга қараб юриб охири секин-секин тоғ ён бағрилигига қараб кўтарила бошладилар ва анчагина йўл юргач, дам олгани ўтирган ҷоғда уларнинг кўзи кишлоказларига тушиди. Улар муҳаббат билан ўз кишлоказларига узоқдан, юқоридан қараб унинг ҳуснига таажжубландилар. Кишлоказ тоғ олдидағи баландликдан шарт кесиб, худди қовундан бир тешик кесиб олганда ўрни узун чукур бўлиб қолгандек узун чукур шаклидаги сойлик пастлик ичида жойлашганини кўрдилар. Бу сойликнинг баъзи жойи кенг ва баъзиси қисқаликдан иборат эканлигини кўрганларидан сўнг ўзлари кирган тор қайси жойда эканлигини қараб топдилар.

Сойликнинг ўртасидан кесиб ўттан ўзандаги сувнинг ранги симобга ўхшаган тус олиб, сувнинг оққанлиги билинмай у узоқдан худди қотиб қолгандай бўлиб кўринар ва шалдираган овози ҳам эшитиларди. Сувнинг икки чеккасида сойлик бўлиб, кўм-кўк ўстган мевали дараҳтларнинг барглари жуда тоза ва устига чанг зарралари йўклиги сабабли барларга тушган қуёш нурининг акси атрофдаги тоғ жинсларига тушар, уларнинг рангини ҳам кўк тусга киритар ва бутун атрофни ўсимлик билан безалган гўзал манзарага айлантирасди. Тоғдан тушган ёқимли шабада дараҳтлар тинчлиги ва осойишталигини бузар, уларнинг шоҳларини бир тарафга оғдириб келган меҳмонларга таъзим қилдирарди.

Икки ўртоқ бу гўзал манзаралар ичида роҳатланиб озрок дам олгандан сўнг, яна йўлга тушдилар. Юқорига юрган сари йўл оғирлашиб ҳавода булутлар кўпайиб шабада шамолга айланади. Булутларни ҳайдаб, келаётган совук шамол икки ўртоқни безовталантириб кўзларини тикиб ҳар тарафга қарамоққа мажбур қилди. Йўл бир одам юрадиган тарқок сўқмоққа айланди. Унинг икки тарафида кум тупроқдан ташқари ҳар хил катта кичикликка эга япалоқ, кўп бўрчакли

кирралари ўткир, баъзилариники озрок ёйилган төг жинсли-
ри бор эди. Бундай нотекис йўлдан яна бир оз юрганларидан
сўнг йўл куруқ жар ичидан ўтиб, тик қиялик жўн ёнбагирга
чикди. Бу қиялика етганда шамол зўрайиб, энди чанг билан
бирга кум зарраларини учириб келиб кўз очишга халақит бе-
рарди. Агар шамол кучи яна ортса, устида юки бор эшаклар-
ни пастга тойдирив юбориб, уларни ҳалок этиши ҳеч гап
эмасди. Бундай хавфдан қутилиш учун тезроқ бу ёнбагирдан
ўтиб, сойлик ичига тушишда эҳтиёткорлик билан бўйнидан
ушлаб, уларни яна жадалроқ қадам бостиришга киришдилар.

Узокдан худди қайнаганга ўхшаб, буралиб, айланиб босиб
келаётган қора булут буларнинг кўзига тез-тез юриб келаёт-
гандек бўлиб кўринди. Ҳаво булут ранги таъсирида бир мунча
хираланиб бўзариб, охири қоронғу тус олди. Қора булутлар
ўртоказлар турган жойга илдам етиб келдилар. Осмон тим қора
булутга тўлди ва қора осмондан бир бора урган чакмок ўти
яшнаб кўринди. Ушбу табиий ҳодисалар рўй берган вактда
ўртоказларнинг ахволи оғирлашар ва табиат ғазабига бўйсун-
мокка мажбур килар эди. Шамол яна кучайди, энди ер юзида
жойлашган миллион-миллион тупроқ, кум, майдо тош зарра-
ларини ердан юқорига кўтариб, ҳар тарфга ура бошлади. Бо-
лалар шамол ҳаракатига қарши белбоғлари билан қулоқ ва
бўйинларини тўсдилар. Шундай чораларга қарамай, келиб урган
чанг ва тупроқ кўз ва бурунларга кириб, кўз очиргани ва
нафас олдиргани қўймади. Йўл босиш жуда оғирлашди. Бу
ахволдан қўтилмоқ учун қандай чора, қайси жойга бормоқ
керак, борадиган жой номаълум, чексиз тоғ-чўл кучогида ик-
кала ўртоқнинг тақдири ўз қўлида, ўз акли, билимларига боғ-
лиқ эди. Ёлғиз чора-илдам қадам босмоқ бўлиб қолди. Чак-
моқ орқасидан қарсиллаган момогулдирак овози эшитилди,
бутун атрофни қоронғулик чулғади. Онда-сонда, якка-якка
чанг билан аралашган ёмғирнинг йирик томчилари ўқдек овоз
билан ерга туша бошлади.

Ушбу нишоналар йўловчиларда сел келишига ҳеч шубҳа
колдирмади. Сойликдан кетган вактда сел оқимиға учраб ҳалок
бўлишига ақллари етгач, йўлдан чикиб қиялаб юқорига қараб

күтарила бошладилар. Жар ёнбағрига юмалаб тушиб сочиленган ва тарқок ҳолда жойлашган қиррали тоғ жинсларини устидан юриш ва унга таяниш хавфли бўлгани учун эҳтиётлик билан қадам босиб, олдинга қараб юрдилар.

Сел бошланди, чақмок тез-тез яшнай бошлади. Момогулдурак овози ўзининг энг кучли даражасига етди. Совук шамол кучайди. Энди сел остида колиб ҳалок бўлиш ёки яна ҳам тезроқ юриб катта шаҳтош ёки бирор камар панасида жон сақлашдан бошқа чора қолмади.

Атроф сукунатта чўмган, жим-жит эди. Бутуnlай қоронгулик тушушига озгина вақт қолди. Ёғин кучая бошлади. Шароитнинг оғирлиги ўртоқларни кўзига ёш олишга мажбур қилса ҳам улар курашиш орқали ўзларига йўл очар эдилар. Чап тарафга бурилгач кўзларига узун, эни тор қоронгу бир жой кўринди. Бу нима экан ва яна қандай баҳтсизлик бизни кутиб турибди деган хавф остида қоронгуликка яқинлашдилар ва чирокларини ёқиб камар бор экан, деб беихтиёр суюндилар. Мувакқат кўчиб келиб камарда тўхтаган бир қанча тулкилар буларнинг овозини эшишиб кўркиб, камарнинг ҳар тарафига ўзларини урар ва даҳшатли овоз чиқариб, болаларни камарга киргизмасликка тиришардилар. Аммо қўлида узун таёқ тутган одамларга ҳужум қилишдан кўркиб бош тортдилар. Уларнинг қўлидаги ёниб, кўзини хира қилган электр чироги тулкиларни эсанкиратиб кўйди.

Селнинг қаҳридан қочиб икки ўртоқ камар ичига кириб узун калтак ва чироклар ёрдамида тулкиларга ҳужум бошладилар, тулкилар эса камарнинг у тарафидан бу тарафига ўтар, буларга қараб тишини кўрсатар ва мушук каби қаттиқ овоз билан миёвлардилар.

Кураш бир оз давом қишигач, охири тулкилар камарни ташлаб қочдилар ва қоронғуда қайси тарафларгадир равона бўлдилар.

Икки ўртоқ сел балосидан кутулгач, юкларини тушириб бир чеккага жойлаштирудилар. Ўртоқлар камар ичини текшириб, подачилар ўтган вақтда мол қамаган ва пода ёнида ўзлари яшаганликлари учун улар қолдириб кетган челак ва кич-

кина чўян қумғонни ахтариб топдилар.

Ёзи билан куриб қолган тезакларни ёқиб ўчоққа калагандан сўнг Собиржон эски кўрпачасида озрок увада пахта ва хуржунидан чақмоқ тошларини олгунча, Мухторхон подачилар тагига солган хашакни топиб келиб, тезакни остига тикиди, ўт ёниб камарнинг ҳамма тарафи баравар ёруғ бўлди. Эшаклардан жабдуғларни олдилар ва ҳўл бўлган буюм ва устайларни қуритиб олгунча қумғон қайнади, қайнаган сув ичиб овқатландилар. Ёғингарчилик қаттиқлигидан сойлик ичидан оқиб келаётган сув шунчалик кучли эдики, ҳаттоқи сандалдан ҳам каттароқ тошдарни пастта қараб юмалатар, сув остидан оқиб келаётган катта тошларни бир-бирига урганидан пайдо бўлган овоз ва гурсиллаш ерни тебратар эди. Сув билан қўшилиб, бўтана бўлиб оққан лойқа ичиди тогдан қўчириб келган арча, қайин ва ҳар хил мевали дарахтни тана ва шохлари қўринар ва уларнинг шохини майдаланган овози эшитилар эди.

Икки ўртоқ узоқ вақт бўлаётган табиий ҳодисаларни томоша қилдилар. Йўл азобини чеккан ўртоклар дам олиш учун ухладилар, улар ширин уйкуда эканларида камарнинг тўрида оёғи тушовлаб қўйилган эшаклардан бири Мухторхоннинг ёнидан ҳаккалаб ўтди. Шунда Мухторхон уйғониб кетди.

Тонг ёришиб, кун чиқар олдида ҳаво очилган, ҳали ҳамма атроф нам бўлса-да, шабада ўсимликларни қуриш ҳолига келтирди.

Мухторхон ўрнидан иргиб туриб, эшакларни ўтлагани қўйди, қайтиб келиб ўчоққа ўт ёқди ва қумғонни ўчоққа тेरилган тезак ёнига қўйди.

Тагига кичкина кўрпача солиб тўқимга бошини қўйиб ётган Собиржон эса ўртогига менга қара, менинг ичимда думи узун майда оёғи бор нарса юрибди, тўнимни ёқасидан кириб ҳозир елкамдан ўтиб Қўлтигимни тагига қараб ўрмалаб кетяпти, уни бадани жуда совук, бундан жуда қўрқаяпман, деди. Қўркма, аммо ҳеч кимирлама мен сен бош қўйган турган тўқим ёнида яқинда иккита чаён ўлдирдим, кечаги ёмғирда тош тагидаги чаёнлар безовта бўлишиб, ўрмалаб ўзларини курукликка ол-

ган бўлсалар керак, бу ерда чаён кўп экан, деб жавоб берди.

Собиржоннинг ичида ўрмалаб юрган газандадан бешикаст кутулиш учун қимирламасдан ётишдан бўлак чораси йўқ эди. Совуқ нарсанинг ўз иссиқ баданидан юришига қарамай, унинг қайси тарафга боришига халақит бермади. Чаён қаерингта борди, деб ўртоғи Собиржондан сўради.

Кўлтиғимни тагига келиб бир оз тўхтаб қолди, мен шу жойда колса нима бўлади деб кўрқиб турган эдим ҳайрият юриб ҳозир бикинимга етди, деб жавоб берди.

Чаён Собиржонни белигача юриб бориб, белбоги босиб турган жойларга бир-икки бошини тиқиб кўрдию, кира ол- масдан ёки нариги ёғига ўтолмай ўрмалаб корнини устига йўл солди, шу вақтда, «Мухторхон» деган овозга ўртоғи етиб келди. «Ха, нима бўлди?». Яна биттаси бўйнимдан кириб, ўнг тарафимдан ўрмалаб кетяпти. Вой, жуда ёмон бўлди-ку, энди нима қиласман, буниси қаердан келди? – деб кўзини юмди.

Сабр қилишдан бўлак чора йўқ, агар қимирласанг, чаён найзасини баданингта уриб-уриб охири шишириб юборади. Собиржоннинг пешанасидан мунчоқ-мунчоқ тер чиқди ва баданидан чиқсан терга кўйлаклари сикадиган даражада хўл бўлди.

Бундай иссиқ ва нам ҳаво чаёнларга ёқмаган бўлса керак, улар бу шароитдан кутулмоқ учун тез ҳаракат қила бошладилар, бу ҳодиса Собиржонни кўпроқ кўркитса ҳам, узоқ давом этмай чаёнлар кўйлакнинг ёқасидан бирин-кетин чиқиши билан уларни Мухторхон этиги остига олиб эзди ва ўртоғининг кўлидан ушлаб турғизди. Бир оз дам олгандан сўнг Собиржон ҳавфсираб уст-бошини ечиб ҳамма ёғини текширди. Ўчок олцига ўтириб канатиб кўйган қумғондаги сув билан нонушта қилиб турган вақтда камарни тўрт тарафида йиғлаган боланинг товуши эшитилди, бу овоз булар учун кутилмаган бир ҳодиса бўлгани сабабли унга дикқат билан кулок солдилар, йиғига ўхшаган овоз яхши эшитила бошлади.

Икковлари бир бора ҳавф остида ўринларидан туриб, ким бор экан, йиғлаган нима деб ҳайрон бўлишиб бир-бирларига қараб камарнинг ичкариогига кирдилар ва овоз чиқаётган

жойга етсалар ҳам, овоз айнан қаердан чиқаётганини била олмадилар. Камарнинг чал тарафида бир кичикроқ токчага ўхшаган тешик кўринди, бу жой анчагина пана ва тескари бўлганлиги учун бунда қорогулик ҳукм сурар эди.

Чирок билан тешик ичига қараб, ундаги хашак ичидан ётган ҳали кўзини очмаган тўрт тулки боласини кўрдилар. Мухторхон шошилиб уларни олиб кетамиз деб кўл узата бошлаган вақтда ташқаридан кечаси булар қочирган тулкилар олдиларига якинлашиб худи йиглагандек овоз чиқариб иккى ўртоқни кўриб тўхтади. Тулкилар булардан кўзларини узмай худди болаларига тегмасликларини илтимос қилгандек карар эдилар. Бу аҳволни Собиржон кўриб тулки болаларига раҳми келди, ўртоқ қўй, уларни олганинг билан қандай қилиб боқасан, ўлиб қолади ва ота-онаси орқамиздан эргашиб бизни безовта қиласи, деб Мухторхоннинг раъйини қайтарди.

Собиржон – бу камар қандай қилиб бу ерда пайдо бўлғанини билмоқ истагида шифтга қаради ва у оҳактош қатлами остидаги кум қатламининг ўйилиши сабабли пайдо бўлганини билди.

Ўртоқлар камар ва тулки болаларини оналарига топшириб, эшакларини топиб келиб юкларини ортдилар, подачиларнинг асбобини ўз ўрнига қўйиб йўлга тушдилар. Кечасидаги сел ювиб кеттандан қолган сўқмоқ йўл изидан ёнбағирлик бўйлаб юра бошладилар. Жар ёнбағрининг шамол урадиган тарафида селдан кутилтирган камарга ўхшаш катта ва кичик камарларни кўрдилар. Улар бир қанча юрганларидан сўнг ўнгта қараб қайрила бошлаган йўлдан бориб юкоридаги текисликка чикдилар.

Сойлик ичидан худди қамалиб қолгандек ўзларини ҳис қилган ўртоқлар текисликка чиқиб, ҳар тарафга қараган вақтда анчагина юкорига кўтарилиб қолган ва йўловчиларга баҳти йўл тилаган қуёш ўз шуъласи билан кенглик кўкрагини ёритган эди.

Хавони хиралантириб турган туман тарқалган. Осмондан ёғилган кўёш нури билан бирга узокдан келган хушбўй ва нафис гул ислари ўртоқлар баҳрини очди, кўнгилларини кўтаган

риб эркалатди.

Улар бир оз яхши ҳаво ва гүзәл манзарада дам олганларидан сүнг атрофга қараб кечаси бўлиб ўтган сел ҳаракати на-тижаси, сел оқими жар ичларини кавлаб чукурлаштиргани ва атрофдаги ёнбагирлардан тўдаланиб ётган тоғ жинсларини ўрнидан кўчириб, оқизиб олиб кетиши сабабли жарларнинг эни кенгайгани ва жарлар бўйига қараб анчагина ўсгани билинди.

Ўртоқлар тепаликдан юриб бориб йўлга тушар олдида Собиржон анча чарчаганлиги сабабли эшак устига миниб олди. Мухторхон ҳам ўртоғидек сувора бўлиб, ўн-ўн беш қадам юрган эди, унинг остидаги эшаги безовта бўла бошлиди, аввал югурди, кейин тўхтаб, баланд овоз билан ҳанграб ўзини ерга ташлаб оёғини осмонга қилиб, дам-бадам чапга қараб ағдарилиди. Унинг ҳаракати зўрлигидан қорин боғичи узилиб, остидан тўқими тушгач, тезда ҳанграганча ўрнидан туриб қочди.

Мухторхон эшагини ушламоққа кўп вақт сарф қилди ва ўз ўрнига қайтариб келгач, эшаги тўклигидан кўркиб яна қочишига ҳаракат қилса ҳам, энди уни Мухторхон қўлидан чиқармади. Собиржон эса тўқимни кўтариб эшак устига кўйишга киришган вақтда тўқим ичидан ингичка олачипор илон тушди-ю ярим белигача кўтарилиб, бошини икки тарафга тинмай тебратиб, баъзан айри тилини чиқариб, болаларга душмандек қарар эди. Унинг боши катта ва бўйни ингичкалигини кўриб, ўртоқлар унинг заҳарли эканини билдилар.

Олачипор илон эса ўзидан-ўзи ғалаён қилиб буларга қарши ҳужум қилишни истагандек бўлса ҳам, кейин нимадандир кўркиб, ёнига тисарилиб охири бир тарафга қараб кета бошлади.

Илон тўқим тагига тушиб иссиқкина эшакни баданидан фойдаланишни хоҳлаганидан қўркиб ерга юмалаган эшак илонни кўргани ҳеч токати бўлмай доим безовта бўлар эди. Илон ўлигини, уни олдига олиб келиб ташладилар ва калтак билан нарига ёкка иргитиб юбордилар. Юкларини ортиб бир қанча вақт юрганларидан кейин, пастликдан юкорига кўтарила бошладилар. Тоғ этагидан ўтиб, тоғ ёнбагирлигидан юрди-

лар. Бу ёнбагирликни ташкил этган тоғ жинслари ер тарихининг палеозой эрасида пайдо бўлган қатламлардан иборат бўлиб, кейинги вактларда ўзгариш (метамутофикланиш) сабабли яхлитланиб, қаттиқ шаҳтошларга айланган эдилар.

Ер тарихининг кейинги даврларида бу шаҳтошларнинг усти ташки таъсирлар сабабли ёрилиб, синиб, чақилиб, майдаланиб бўлак холига келиши туфайли ҳар хил катта-кичикликка эга киррали тоғ жинслари билан қопланган эди.

Ёнбагирлик устини қоплаган тоғ жинсларига делювий номи берилиб, бу жинсларнинг йириклари юқоридан пастга қараб ўз оғирликлари билан юмалаб келиб, ёнбагирда тўхтаб қолган бўлса, бундаги майда зарралардан иборат бўлган шўрхок, қум, тупроқ ва бошқалар эса сув, яъни ёмғир ва сел сувлари оқизиши натижасида бу жойларга келиб қолган. Шунинг учун шундай ёнбагирликларни ташкил қилган тоғ жинслари бўш бўлиб, оёқ остидан силжиб кетадиган бўлади. Шу сабабли унинг устидан ўтиш жуда ҳам хатарлидир. Ўртоқлар кесиб ўтиб кетаётган ёнбагирлик устининг баъзи жойларида қадимда тиккасига сув ювиб кетиши туфайли жарга ўхшаган чукурликка айланган қисмлар бор эди. Шу чукурликнинг юқори қисмларида майдонда чақилиб майдаланганд тоғ жинсларининг парчалари юқоридан чукур орқали пастга тўкилгани сабабли пастдан тўлиб чиқиб, қиялиқда ҳосил бўлган пастликларни тўлғизган. Бундай тўкилиш натижасида пастдан юқорига тўлиб ва кўтарилиб чиққан жинс шаклининг ости кенг, уни учли бўлгани сабабли унга тўкилиш конуси деган ном берилган. Ўртоқларнинг юрадиган йўлида бу хилдаги ҳодиса мавжудлиги, уларнинг бундай тўкилиш конусига тушиб кетганларида катта баҳтсизликка олиб келиши табиий ҳодисалардан бири эди. Шунинг учун йўл юрган вактда йўлда учрайдиган хатарли манзилларни билиб тупроқ билан бирга пастга қараб сидирилиб тушиб кетмасликни эсда тутиш керак бўлди. Йўл устидаги тоғ жинсларининг баъзи жойларида сув ювиш, шаммол учриш ва бошқа ҳодисалар туфайли усти очилиб қолган шаҳтошларни кўриш мумкин. Бу усти очилиб қолган қаттиқ тошлар ҳам доимий эмас, булар ҳам ташки табиий таъсирга

берилиувчан бўлгани учун уларнинг усти ҳам табиий ҳодисалар ва ўзгаришлар натижасида ёрилиб, чақилиб майдалангандинслар остида яна кўмилиб қолади.

Мана шундай табиий тузилиши ёнбагир бўйлаб қийинчиликларга учраб икки ўртоқ йўл босдилар. Йўл дам пастга, дам юқорига қараб айланиб кетганлиги сабабли анча азоб чекиб, бир баландликка чикдилар.

Бу баландликнинг усти тахминан тўлқинсимон текислик бўлиб, умуман яланглик манзарасини ҳосил қиласр эди.

Усти қиррали ёки қирралари бироз ёйилган тошлар ва қумдан тузилган ялангликда онда-сонда янтоқлар, баъзи жойларда юлгиннинг тўшак бўлиб ўсган тўплари кўриниар эди. Бу манзарага булар ҳайрон бўлиб бир-бирларига қарадилар. Мухторхон менга йўлни тушуниришганда, анча кенг, мол юрган тўғри йўлдан борасизлар, деган эдилар. Бу ерда ундаи нарса йўқ, қайси тарафга юрамиз, деб ҳайрон бўлиб ўртоғидан маслаҳат сўради. Собиржон эса мен ҳам билолмай қолдим, бу жой чўл-ку. Бошга тушганни кўз кўрар дегандек, бошимизга тушганни кўрамиз. Мана шу сўқмокдан эшакларни ҳайдаймиз-да, ўзимиз ён-беридан йўл ахтарамиз. Орқамизга қайтган билан қаерга борар эдик, адашган бўлсак адашибмиз, одинга бораверамиз, деди Мухторхон.

Бу сўз Собиржонга ҳам маъқул келиб эшакларини йўлга солиб, ҳайдаб кўйиб, ўзлари йўлни икки тарафини текшира бошладилар, анча вакт йўл юриб чарчадилар. Собиржон эрта билан килган нонуштамиздан қолган нон мени белимда ана у юлгун тагидаги сояга кириб, коринни тўйғизиб олайлик, деди.

Улар адашганига ортиқча фам емай юлгин тагида ўтириб нон еб, бир-бирига қараб йўлни топиб оламиз, деб кулиб кўяр эдилар. Ноннинг учинчи бурдасини оғизларига солиб чайнаётган вақтларида орқаларидан кўрқинчли хириллаб «пувв» деган қаттиқ овоз эшитилди. Сапчиб ўрнидан туриб қочишга тараффудланган ўртоқларнинг кўзи бир оғзи итникидек катта очик, бадани туллаган түяннинг баданидек буришган, тупроқ рангли, узунлиги олтмиш-етмиш сантиметр кела-диган, усти чўтири қаттиқ қадоқлари бор бўлган ҳайвонга тушди.

Бу ҳайвон икки ўртоққа ҳезланиб томогининг икки тарифини курбақа қуриллаганда томоғи шишгандек шишириб ҳириллаган овоз чикаришини давом қилди. Собиржон, кўрқма, эчкиэмар экан, бу одамни тишламайди, деб сўзини тамом килар-қилмас у ҳайвон думи билан юлғинга бир урди ва юлғиннинг икки шохи чўрт синиб бир тўппак чанг юқорига кўтарилиди.

Бу ҳайвон хужум қилиб ўртоқларни олдига солиб қувди. Эчкиэмар шундай думи билан уришида ҳар қандай одамнинг оёғини синдириб юборса керак, деган кўрқинчли хаёл билан анча жойгача кочиб бориб, ундан қайрилиб эшаклари олдида тўхтадилар. Орқаларига қараб-қараб йўл юришни давом қилдилар.

Кун қиёмига яқинлашиб қолганда узоқ йўл босдилар ва чўлни нариги бошига етмаганлари уларни нотинч қилди. Ўртоқлар яна йўл кидириб, ёнбошга қараб юрдилар, йўлда қўп юмонқозикларни қўрдилар, улар инидан чиқиб, худди буларни қарши олгани чиқсан каби онда-сонда ини олдида икки кўлинини кўтариб бир нафас қулокларини динг қилиб туриб, яна лип этиб уйига кириб кетар эдилар. Уларни бу ҳаракатларига икки ўрток завқ билан кулишар эди.

Чўлда кичкина тепаликлар учради, бундаги чуқурчалар ичида бир нарсанинг ини борга ўхшарди. Мухторхон ҳой, бу ерда нима бор? – деб калтагини тикиб ин ёнини кўчирди. Яна бошқа инга калтак тиқаман деб ҳаракат қилган вақтда, бир бора беш дона калта ва ингичка илон пайдо бўлиб қолганини кўрди, улар белигача кўтарилиб бошларини буларга қаратиб аллақандай пишиллаган овоз билан ўртоқларга ўзини ташлади. Мухторхон қоч, ўқилон бор экан, деб ўзи олдинга тушиб кочди. Кумда қочиш буларнинг кучини олди. Жуда чарчадилар ва ҳамма ёқлари терлаб сув бўлиб кетди. Бу йўллар жуда ёмон экан, энди нима қилдик? Агар ҳамма ёқда чаён, илон, эчкиэмар бўлса, яна қанақа зарар келтирадиган ҳайвонлар бу ерларда бор экан? Кечаси қайси жойда ухлаймиз.

Эшаклар нима ейди деган хавф ўртоқларнинг бошини айлантириб қўйди. Энди эшаклар юрган йўлдан чиқмай, юриб

боришиб, йўлни кўндалангига кесиб ўтган қенг ва сувсиз жарга етдилар. Икковлари жар лабида ўтириб нон едилар. Кўп кидирсалар ҳам ичкани сув топилмади. Эшаклар эса жар ичидаги колган чўпларни еб қаноатландилар.

Энди қайси тарафга борамиз деб ҳайрон бўлиб турган вақтда жар бўйлаб бир одамнинг келаётганини кўриб қолдилар.

Йўловчи буларнинг адашиб кеттанинги тушунтириб, йўлда учрайдиган нишоналарни айтиб, йўлга тушиб жадал юрмасаларинг чўлда коронғуда қоласизлар. Бу ерда кечаси ётиб бўлмайди, деди.

Ўртоклар йўловчининг хуржунидаги кўзасидан сув ичиб, мамнун бўдилар ва унга раҳматлар айтиб жадал йўлга тушдилар.

Йўловчи кўрсатган йўл билан юриб, кун ботмасдан илгари бир сув бўйига етдилар ва кечаси шу жойда ором олдилар. Уйқудан турган вақтларида кун чиқиб қолган бўлса-да, ҳаво салқин бўлгани сабабли анчагина жунжикиб қолиб иссиқ устларини кийиб олдилар.

Юкларини эшакка ортиб сув бўйлаб юқорига қараб юриб кетдилар. Бироз юргач, юқоридан сув тушаётган шар-шарага бориб етдилар.

Шаршаранинг баландлиги бир терак бўйидан ортиқ, сув тушган ўрин жуда чуқур ўйилган ва бунда гум пайдо бўлиб, сув айланиб турар эди. Гум атрофида ҳар хил дарахтлар ўсган, салқин жой эди. Бунда бир оз тўхтаб, ювениб гумнинг пастидан сувнинг чап тарафига ўтдилар. Сув бўйлаб юриб деворга ўхшаган, усти ойнадек ялтираган ойнатошга етдилар. Бу деворнинг баландилиги етти-саккиз метрлар келарди. Бу жойда ер ёрилиб, икки қисмга бўлинган: уларнинг бири юқорига, иккинчиси пастга қараган. Ойнатошлар бир-бирига қаттиқ ишқаланиш туфайли пайдо бўлган. Шу сабабли деворнинг усти (деатри) ойнадек силлиқ бўлиб қолган. Бундай ҳаракатлар қаттиқ ер кимирлаши натижасида рўй беради. Ер кимирлашда пайдо бўлган бундай ҳодисага геология илмида тектоник ҳаракат деб айтилиб, ер ёрилиб икки қисмининг бир-бирига нисбатан ўрнидан силжишига узилма дейилади. Ер-

нинг ёрилиб кўтарилиган қисми оқар сув ўзанига кўндалангига тўғри келиб қолиши юқоридаги каби шаршаралар пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Ўртоклар бу манзараларни томоша қилиб бир қанча юрганларидан сўнг каттароқ йўлга чиқдилар. Бу йўл эса улар борадиган жойнинг йўли эди.

Улар тўғрига кетмай ўнг ва чап тарафга қараб эгилиб кетган йўлдан бориб юқоридаги арчазорга етиб келдилар. Бу жойда баланд бўйли, пастак, ёш ва қари кўм-кўк арчалар тоғ ёнбағирларида ўрмон каби ҳар тарафга тарқалган. Уларнинг бултурги йилдан қолиб, қуриб остига тўкилган тиканга ўхшаш барглари арчазор ичига тўшалган сариқ гиламдек ўрмон ичини зийнатлаган ва бу жойга алоҳида бир хусн берган эди. Бу кўм-кўк ўрмоннинг баъзи жойларидан чулдираган овоз билан ер остидан чиқиб турган блоклар атрофидагина ҳар хил ўтлар ўсган бўлиб, бу жой сариқ гилам устига солинган кўк гул каби бўлиб кўринарди. Бундаги арчаларнинг ёқимли иси икки ўртокнинг кўнглини очди ва рухларини кўтарди. Улар беихтиёр ҳар тарафга бориб, бундай лаззатли ҳаводан тўйиб нафас олдилар. Бир оз юргач, дарахт остига тушдилар ва озрок овқатлангандан сўнг арчага суюниб ўтирганларича кўзлари уйкуга кетди. Арчанинг ёш новдалари шабада таъсирида эгилиб келиб, худди ҳазиллашгандек, тикан барглари билан уларнинг бетига тегиб, уйқуларига ҳалақит берганига қарамай, йўлда қаттиқ чарчаган ўртокларнинг лаззатли уйқусини бузолмас эди. Юриб боргач, охири йўл пастлади ва арчазор тамом бўлиб ялангликка чиқдилар. Бундаги йўлнинг икки тарафида оқ, пушти ва тўқ сариқ гули хушбўй пиённинг ҳар хил ранглари, гули қатма-қат ва бошқа ҳар хил рангли қизил, сариқ, тўқ кўк, ҳаворанг гуллар бор эди. Бу жой ер тарихининг янги замонларида кўтарилиган Алп тоғлари устида ўсган ва шу билан машҳур бўлган табиий гулзор эди. Бундай гўзал табиат гулзорини биринчи кўрган ўртоклар бу жойнинг ҳуснига мафтун бўлдилар.

Яна йўл юриб, бир тепаликдан ошиб, иккинчи тарафдаги сойликка тушдилар. Бунда йўғонлиги бир неча метр келади-

ган азамат чинорларни ва юз йиллаб яшаган катта ёнғоклар, олча, писта, дўлана ва бошқа дараҳтларни томоша қилиб ўтиб бориб сойликдан чикиб иккинчи арчазорга кирдилар. Бу арча ўрмонининг ичидаги бир пастлик жойни кўрдилар. Бунда йилнинг кўп вақтида сув бўлгани учун дараҳт ўсмай очиқлигича қолган экан. Бу яланг жойга етганида кун кеч бўлиб қолгани учун шу ерда бир кеча қолишни лозим топдилар. Дараҳт остига жой қилишиб куннинг ёруғидан фойдалиниб тонг отгунча ёққанда ҳам тамом бўлмайдиган миқдорда ўтин ғамладилар. Ўрмон ичидаги юрган вақтда Мухторхоннинг кўзи дараҳт остида мудраб ётган қуёнга тушди. У ўзини усталик билан қуён устига ташлаб, уни бўйнидан маҳкам ушлаб, кўкраги билан босди. Күённинг қочолмаслигига ишонгандан сўнг, ёнидаги каллабузар пичогини олиб уни сўйди.

Шу аснода қуённи тозалаб, ўтда кабоб қилиш билан овора бўлдилар. Коронги бўлгач, дараҳт остига жой солиб, шу жойда қолдилар.

Тонг отарга яқин вақтда, тўрт-беш кунлик бўлиб қолган ой чиқиб атрофни ёритди. Собиржон шу вақтда уйгониб, ўзининг яқинида ўтлагани чиккан арҳар, ёввойи йўрга ва яна улардан кўра кичикроқ ҳайвонларни кўрди. Бу ҳайвонлар тинч ўтлаб юрганлиги Собиржонни бепарво томоша қилмоқдан маҳрум қилмади. Кун чиқар олдида ҳайвонлар тарқаб кетдилар. Буларнинг ўрнига қандайдир қушлар чирқиллаша бошлидилар ва у тарафдан бу тарафга қараб югуриб ўтган қуёларни кўрдилар. Собиржон ўрнидан туриб, кечаси ёкилган ўтдан қолган кул устидан чўғни олиб, устига ўтин ташлаб ёндириб исина бошлади.

Кейинроқ Мухторхон ҳам келиб ўртоғининг олдига ўтириди. Икковлари нонушта қилгач, йўлга тушдилар. Тўрт-беш соатларча йўл юрганларидаң сўнг қўшдовон ва қўшжарлардан ошиб ўтиб, усти тўлқинсимон кичкина тепалик ва пастликлардан тузилган бир катта ялангликка етдилар.

Бу яланглик ичидаги жуда кўп миқдорда ҳаракатдаги булоқлар бор экан. Бу булоқларнинг суви текисликни чуқур қилиб ўйиб, ўтиб бўлмайдиган ва шохлаб кетган, жарликлар пайдо

қилган бўлса, буларнинг катта чукурликка айланишига ҳаводан келган нам, қор-ёмғир ва селлар ёрдам берган. Икки ўртоқ бу жарларни кесиб ўтадиган йўл топишга овора бўлиб, кўп вактларини сарф этдилар, охири йўл иккига айрилди, унинг ўнг тарафи Мухторхоннинг ота-оналари турган жойга олиб борса, чапга кетганда Собиржонникига борар эди. Бу жойда тўхташиб нафасларини ростлагандан сўнг, иковларини бир-бирларига жуда яқин, гўё бир ота-онанинг боласидек, меҳрибон қилган сафарда кўрган-кечиргандар эсларига тушиб, кучоклашиб, хайрлашдилар ва ҳар қайсиси ўз йўлига равона бўлди. Булар то бир-бирининг қораси кўринмайдиган бўлгунча орқаларига қайрилиб қарашиб кетдилар.

СОБИРЖОН

Ўртогидан ажалиб ёлғиз қолган Собиржон, баланд-пастликлардан иборат бўлган чексиз тоғ чўлларида пода юрган кенг йўлга тушиб, бир оз юриб тепалик орқасига ўтди. Собиржон атрофга қараб ўртогини кўрмагандан сўнг, унинг билан хайрлашгани ва ўзини ёлғиз қолганини сезди. Шундан кейин чўллар ичида ёлғиз қолиш хавфи ва бир йўлда учрайдиган баҳтсизликка қарши ёлғиз курашиш лозим бўлишини фаҳмлади ва ўз тақдирни ўзининг қўлида эканини англаб, унга бўйсунмоққа мажбур эканини билди. Энди йўлда учраган ҳеч нарсага қарамай жадаллаб, тез-тез қадам ташлади.

Бу катта йўлдан юриб бориб, сарғиши ёки малларанг оҳактошлардан тузилган бир қанча сойлиқчалардан оқиб чиққан сувлар катта асосий сойлик сувига кўшилиб, пастга қараб шиддат билан оққан жойга етди.

Собиржон бир қанча вакт сув бўйлаб кетиб, ўнгта бурилиб жўн ёнбағирлиги ва жар ичидан ўтиб, икки тепалик ўртасида ёйилиб кетган кенг унгурга етди. Унгурнинг ичидан чиққан ҳаво Собиржонга ноҳуш кўринди. Унга тузилишининг хунуклигими, тошларининг қоралиги таъсирими, бундай жойдан илгари юрмаганими ёки ўртоги кетиб ўзи ёлғиз қолганлигими, хуллас нималиги тушунарсиз бир хавф унинг юрагига тушди, ҳар тарафга тез-тез тикилиб четдан келадиган ҳар бир

овозга қулок солиб эҳтиётлик билан қадам босди.

Дарҳақиқат, Собиржон кутгандек, унинг эшаги ҳанграб олдинга югурга бошлади. Бу нимани кўрдийкин, деб олдинга қараб бир катта, малларанг, чала туллаган бўрининг йўл чеккасидағи катта тош орқасидан бошини чиқарган ҳолда кўзла-ри ўтдек ёниб, ўткир узун тишларини бир-бирига уриб, жаги-ни шақиллатиб турганини кўрди. У тезда югуриб бориб эша-гини нўхтасидан ушлаб бошига бир уриб, бўридан чакса гўшт қарздор бўлмай ўлгур, деб уни тўхтатди ва ўзи ҳам тўхтади. Собиржон ердан тез-тез бир қанча тош парчаларини олиб хуржун устига кўйди. Калтагини кўтариб бўрини кўрқитаман, деб бир тошни унга қараб отган эди, тош бўри ёнидан ўтиб кетди. Бўри ўрнидан кўзгалиб булар тарафига бир оз юриб яна ўтирди ва жагларини шақиллатиб буларни писанд килмай, қулай вактни пойлаб турди.

Собиржон бир, икки, уч маротаба тош отса ҳам бўри на-зар-писанд килмай яна яқинлашди. Эшак ҳанграб бўрига ҳужум бошлашга ҳаракат қиласа-да, Собиржон йўл қўймади ва нўхта-сидан маҳкам ушлаб олди.

Бўри йўлдан чиқиб ёнбагирликка кўтарилиб, қиялаб яна буларнинг олдига кела бошлади. Собиржон бўрининг ёнба-ғирдан ҳужум килишига акли етгач, секин-секин тисарилиб бўридан узоқлаша бошлади. Бўри ўзини эшак устига ташлаб елкасига тиш солмоқчи бўлганида Собиржон калтаги билан уни уриб тишлатгани кўймади. Бўри ўзига ҳужум бошлашга тайёрланганини кўриб, у қаттиқ шовқин солди ва калтагини ҳавода айлантириб, ундан гувиллаган овоз чиқариб бўрининг шаштини қайтарди. Ўзи жуда кўрқкан бўлса-да Собиржон сир бой бермади. Шу вакт баландликдан ўтиб кетаётган бир отлик бу ахволни кўриб тезда овоз бериб, унинг олдига етиб келди. Бўри эса, отлиқни кўриб қочиб тепалик орқасига ўтиб ғойиб бўлди.

Ха, ўглим, қаёқда кетяпсан, – деди йўловчи.

- Каҳлик сойга, – деб жавоб берди Собиржон.

- Абдуллахон аканинг кенжатойимисан? Жуда яхши, ба-ракалла. Нимага ёлғиз йўлга чиқдинг, ана, бўрини кўрдинг-

ми, мен бўлмасам сени хафа қилиб кўярди ёки эшагингни гўшт қиласанми. Биласанми, эшакнинг бўридан чакса гўшт қарзи бор. Шунинг учун эшак бўрини кўрса, гўшт деб келдингми, гўштни бермайман, мени сендан қарзим йўк, деб ҳанграб бўрига қараб югуради. Бўри айёрлик қилиб озгина-озгина қочиб тўхтаб, жагини шакиллатиб эшакка қарайди. Эшак эса яна ҳанграб бўрига қарши ҳужум бошлайди. Шунақа қилиб эшакнинг бошини гангитиб, пайт пойлаб унинг елкасига тиш солади. Шу вақт эшак бўрини елкам билан эзаман, деб ўзини ерга ташлайди ва бўри тезлик билан унинг қорнини ёради, то гўшти тамом бўлгунча унинг олдидан кетмайди. Энди сен Каҳлик сойга борадиган бўлсанг мен билан юр, сени катта йўлга солиб юборай, яна бўрига учраб ўтирма, деди.

Собиржонга ҳам бу сўз маъкул бўлиб, икковлари бир қанча юриб, боргач кенг йўл кўринди. Йўловчи мана шу йўлдан чикмай борсанг тезда етиб оласан. Даданг Абдуллахон акамга ва бошқаларга Набибой темирчи салом дедилар деб айт, – деди.

Йўловчи билан хайрлашиб, Собиржон йўлга тушди.

Бир қанча йўл босгандан сўнг икки жўн ошиб бир катта сой ичига тушди ва узоқдан кўринган капага етиб борди. Кападан бир қари одам чиқиб кел, ўғлим, деди-ю, йўл бўлсин деб Собиржонга қаради. Сувсаган бўлсанг керак деб бир чинни кося айрон олиб чиқиб берди

Собиржон мен Каҳлик сойга бормоқчи эдим бу сой шу эмасми? – деб сўради.

- Йўқ, бунинг отини Кочдисой дейдилар. Ана у кўринган жардан ошиб тушсанг Айгирибулқ сойга тушасан, ундан ўнгта караб кетсанг, Бўрикирилди деган ўнгирдан ўтишинг билан Каҳликсойнинг капалари кўринади, хайр умринг узоқ бўлсин, деб дуо қилгач, дадангни сўраб қўй, деди.

Собиржон Бўрикирилди унгуридан кўркиб ҳар тарафга караб, унинг оғзига етганда, дарҳақиқат, онда-сонда тикилган капаларни кўрди.

Собиржон Каҳликсойга етганини билгач, йўлдаги азоблар эсидан чиқиб, отам, онам ёки опам Нозикой кўзимга кўри-

нармикин, деб ҳар тарафга қарай бошлади. Шу вақт кун ботишга якын қолган бўлса-да ҳали моллар подадан қайтганийўқ эди. Ҳаво кўм-кўк ва тиник бўлиб, унда ҳеч губор йўқ, юмшоқ ёқимли шабада юриб турган пайт эди. Собиржоннинг онаси кападан чикиб югуриб келиб ўғлини кучоклаб ўпиб эсон-омон келдингми деб, уни кучогидан қўйиб юбормай эшагининг арқонидан етаклаб капа олдига олиб борди.

Собиржон дадам ва опам қанилар, деди. Икковлари пода қайтаргани кетдилар, деб жавоб берди онаси. Собиржон кечкурун хуржундан битта ироки совун билан кичкина шишадаги атирни олиб опаси Нозикойга тутди. Нозикой ҳам тахмондан кўк сатин дўппи олиб мана сенга мен тикиб тайёрлаб қўйиб эдим, деб укасининг бошига кийгизди. Бир оздан сўнг Собиржоннинг дадаси Абдуллахон aka келиб ўғли билан кўришди. Собиржоннинг эсон-омон келганига ҳаммалари хурсанд бўлдилар.

Нозикой онаси билан бирга молларни соғиб, сутини қайнатгани қозонга қўйди. Эчки ва қўйларнинг сутини алоҳида идишга қўйиб қўйди. Ҳайвонларни четан ичига қамаганларидан сўнг капага овқатланиш учун кирдилар.

Кечки овқатдан сўнг Собиржон қаттиқ чарчагани сабабли ухлаб қолди.

ГЎРЎҒЛИ ОТАНИНГ ТАРИХИ

Ҳавога бир оз булут чиқиб, кун дим бўлди. Ҳавонинг ўзгариши одамларга таъсир қилиб, кечгача моллардан тузуккина хабар ололмадилар.

Кечкурун пода қайтар олдидан ҳаво бир мунча равшанлашиб, булутлар тарқала бошлади. Подада қайтиб, сутларни соғиб олганларидан сўнг, одатдагидек уларни ўз жойларига қамаб, ҳамма иш тамом бўлган вақтда, кечаси пода коровуллагани чиққан ёшу қари бирин-кетин Яхишибой ота капаси тарафга қараб юра бошлади.

Нозикой укаси Собиржон билан капага етиб келиб, Мунисхон аяси билан кўрищи ва аянинг таклифини қайтармай, капанинг ички тарафига солиб қўйган кўрпача устига ўтириди.

Атрофдаги одамлардан уялиб, бошидаги дуррасини ечиб, уни пешонасигача тушириб, кўзини пана қилиб олди. Хар тарфдан ёғилган қизлар ва хотинлар Нозикой олдига келиб ўтирас эдилар. Яхшибой отанинг капаси жўн ёнбағрида жойлашган бўлиб, унинг олдида кичкина айвончаси бор эди. Бу айвончанинг усти ҳар хил дарахт шохлари билан беркитилган ва унинг ўртасида, чеккасига тош терилган кичкина чорчўл атрофида кора кумғон ва чойдишда сув доим қайнаб туради.

Бу жойга келган эркаклар шу чорчўл атрофида давра олиб ўтирилар. Бу кала шу атрофдаги энг баланд жўн устида курилиб, бундан узоқ жойлардаги ўзгаришлар, подадан ажралиб қолган ҳайвон ва подага келаётган бўриларни кўриш мумкин эди. Бу жойга қўриқчиликка чиккан ҳамма колхозчилар йигилиб бўлган вақтда, Яхшибой ота ўз ишларини битириб кириб келди-ю, ҳа, келинглар, – деди.

Йигилганлар ҳа, келдик, деган жавоб килишди.

– Бу кун калтакнинг синмайдиган қаттиқ ва кучлисини олиб келдингларми, деб сўради.

Калтагимиз тошни ёради, деган жавоб эшитилди.

Яхшибой ота кала оғзиға солиб қўйилган оқ эчкининг пўстаги устига ўтирди.

Азамат эса отага караб чойдиш қайнаб турибди, менда жийда пўсти бор ташлаб чой қиласизми, деб отанинг фикрини билди.

Иброҳим ака бир-икки йўталди-ю, Яхшибой ота, сиз болаларга Гўрўғли отанинг тарихини айтиб бераман деб вайда қилган экансиз, булар неча кундан бери менга жон Иброҳим ака айтинг, отам Гўрўғли ҳикоясини айтиб берсинлар, деб ҳиқиқилашгани ҳиқиқилашган, энди нима қиласиз? – деди.

– Бу жуда узун гап, айтгани юрак ҳам кўтармайдиган бўлиб қолган.

– Ўзингиз вайда қилган экансиз, шунақами, – Азаматга каради Иброҳим ака. Азамат ҳам Иброҳим ака сўзини тасдиклаб, Яхшибой ота энди айтиб бермасангиз бўлмайди, кўпчиликдан сира, кутулолмайсиз, булар қўймайдиганга ўхшайди. Ойнинг шом еганига уч кун бўлди, ой чикканча шу ерда

бўлсак, ой чиққандан сўнг подадан хабар олгани кетамиз, деди.

Бу сўзга шодланишиб, ҳамма йигилган каттаю кичик айтуб беринг, деб чувиллашиб юбордилар.

Яхшибой ота кулимсираб, ҳа, ваъда ёлғон бўлмасин. Айтсам айтуб берай деб сўзлай бошлади.

Менинг бобом ёшлик вақтларида бизнинг элимиз паст кишлока яшар эканлар. Шу кишлоказдаги азamat чинор ва ўзларинг кўрган юз ёшдан ошган ёнғоқ, ўрик, ношватиларни шулар экиб кўкартирган ва қишлоқни обод қилган шу қария бўлган. Экилган бүгдой ва жўхориподан чиқкан ҳосил дон солигини тўлашга етмай бунинг устига, сув танқислиги туфайли экин тузиккина битмайдиган бўлиб қолган экан.

Юрт кетмон кўтариб ариқ кавлаб сув олиб келгани билан, сувни бизнинг қишлоқ Шалдирамоқнинг юқорисидан олар экан. Бир терак бўйи келадиган баландликдан тушган шалдирамоқ суви ўз остини ўйиб, уни жуда катта гум килиб қўйган эди. Бу гум ичиди сув доимо тўлқинланиб айланиб, тинмасдан шалдирамоқнинг ост қисмини камар килиб ўйиб, ичкарига қараб кетаверган. Бу камар ичининг баҳайбатлиги қишиш пайтларида, сув камайганда билинар экан.

Бу ўпирилиш катта майдонга тарқалгани сабабли қишлоқ-қа келадиган ариқнинг бошини ҳам ўзи билан ўпириб олиб тушиб кетибди. Бу ўпирилиш рўй берган вақтда айни баҳор вақти бўлиб, унинг таъсирида ер қимирилаганини қишлоқ аҳоли-си сезган.

Ер қимирилаган вақтда уйларнинг эшиклари ва таводонла-ри қарсиллаганидан ҳамманинг юрагига қўрқинч тушган.

Шу ўпирилиш натижасида қишлоққа келадиган ариқнинг боши ҳам узилиб тушиб энди қишлоқка катта ариқдан кела-диган сув бутунлай қуриган. Бу аҳволдан ҳамма қишлоқ ахли кўрқиб сув бошига бориб кўрсалар, ариқнинг боши шунча ўпирилибдики, уни тузатиш ёки унинг ёнидан сув олиб ке-лишнинг иложи йўқ экан. Қишлоқдаги камбагаллар йигилиб, жўн ёнбагридан ариқ очиб тўрт-беш тегирмон сув олиб кел-ганлари билан бу сув ўзларига тегмай вақф ерларига олиб

кўйилганлиги сабабли, буларнинг экинлари сув етарли бўлмаганлигидан қониқарли даражада ҳосил бермаган.

Ердан уним бўлмагани учун қишлоқда оч, яланғоч қолганларнинг сони кўпайган. Қишлоқ ахли сувни узокдан олиб келишга уринсалар ҳам, овқат йўқлиги ва катта тошлари ўядиган асбоб олишга қурблари етмаганлиги сабабли ўз мақсадларига ета олмаганлар.

Қишлоқда бошланган очлик туфайли ҳалқ бошига келган балодан кутулиш, ё ўлим ё бу жойдан бошқа тарафларга бахт истаб кетмоқ бўлиб қолган. Ўзига түқ бойлар қишлоқ аҳолисини бу балодан куткариш чорасини кўриш ўрнига, буларнинг бўйнига қарз юклар эканлар.

Бошларига тушган бахтсизлик ва очликдан қаттиқ эзилган паст қишлоқ жамоасини ярмидан кўпи слкаснга эски кетмонни ташлаб, бола, чақаларини стаклаб, Шалдиромоқ юқорисидаги кимсасиз чўл – чексиз ва одам яшамайдиган жойларга кўчиб бориб, капа тикиб ҳаёт кечира бошлаганлар.

Буларнинг овқатлари тоғдаги ёнғок, писта, жийда, олма ва олча каби мевалар бўлган. Булар қиш совукларида ва ёгин гарчиликларда уйсиз, капада кийналиб кун кечирганлар. Бу одамлар кўчиб келиб пешонамиздан кўрамиз деб караб ўтиришмаган. Булар биргалашиб ариқ ковлаб, сув олиб келиб, дарахт экиб, йўл килиб бу жойни обод эта бошлаганлар. Бу жой обод бўлиб, ҳалқ энди ердан тузукни ҳосил оладиган бўлган вактда солиқ тўлаш лозимлиги туфайли, бу манзилга «Янгиқишлоқ» номи берилган экан.

Тўланадиган солиқнинг кўплиги одамларни ноилож ахволга кўйибди, солиқ тўлашга қурби етмаганларнинг обод килган ерлари бойроқ одамлар қўлига ўта бошлабди. Ер-сувидан айрилган ва оғир ҳолда қолганлар бойларнинг ерини экиб, ўнган ҳосилдан тўртдан бир кисмини оладиган бўлиб қолганлар. Буларни яна эски ахволга тушиши, бу бечораларнинг орқасидан очлик, яланғочлик, фақирлик ва беҳисоб бахтсиз кунлар Янгиқишлоққа ҳам худди эргашиб келгандек бўлибди.

Булар, бу кулфатдан қочиб яна қайси жойга борсинлар?
Энди борадиган бошқа жой қолмади. Узоқ жойларга бориб

икки қилмабди.

Шу маҳал уруш бошланиб қолибди. Соликлар кўпайибди. Дехқончилик хўжалиги хароб ҳолатта етибди. Қишлоқда яшовчилар оч ва ялангоч эди. Очликдан шишиб ўлганлар сони кўпайибди. Ҳар куни маҳаллада жаноза. Шундай кунларда Маҳбубаҳоннинг ота-онаси ҳам очликдан оламдан ўтишибди. Балоғатта етган йигитларни мардикорликка олиш тўғрисида фармон келибди. Мардикорликка бормаган йигитларни генерал Куропаткин келиб, банди килиб олиб кетади, деган гап тарқалибди. 1917 йилда «Оқ подшо»ни таҳтдан туширишибди, деган гап оғиздан оғизга ўта бошлабди. Эзилган ҳалқ бойларга қарши бош кўтарибди. Аммо бойлар давлатини ҳалқка бергиси келмас эди. Улар Сибирдан келган Эргашни кўрбошиликка чакирдилар. Қабих бойлар меҳнаткаш ҳалқнинг душмани эканлиги, бойларни ағдармасдан туриб, меҳнаткаш ҳалқнинг озодликка чиқиши мумкин эмаслиги маълум бўлди. Эргаш кўрбошининг одамларида беш отар милтиқ, белида патронтош, берданка, ханжар, дудама пичоқ бор эди. Оддий ҳалқда эса ойболта, эски қилич, йўғон калтак эди. Ярадор ва ўлганлар кўп бўлди. Унинг устига «дашнок»лар келиб тинч, бегуноҳ ҳалқнинг қонини тўкиб, ўққа тутишди. Аҳоли бирлашиб уларни сурив чиқаришди. Шу маҳал Содикжон ҳарбий трибуналга ишга тайинланди ва босмачиларга қарши кураш олиб борди.

Содикжон ўн саккиз ёшга кирганда Скобелевга бориб Мадаминбек тўдаси билан курашди. Содикжон Ўшга обревком томонидан командировкага юборилди. Содикжонга кўшиб Ҳабибула деган йигит ҳам юборилди. У йигит барваста, оғир, вазмингина эди. Ўшга етгунча икковлон яхши сухбатдош бўлиб кетишди. Ҳабибулладан Содикжон Ўшнинг вайрон бўлганини эшитиб, хафа бўлиб кетди. Аравада кетатуриб Ҳабибуллага ўхшаган йигитлардан «партия дружинасини» ташкил этиш режасини тузишди. Ўшга етиб келгач, Жумабой билан Холхўжа кўрбошига қарши кураш олиб боришди.

Бир куни Ўш гарнizonининг бошлиғи Содикжонни чақириб ҳол-аҳвол сўрагандан сўнг, «Сиз Куръон ўқишни била-

сизми?» деб сўрабди. «Сизга бир хафта муддат, Куръонни ўқиб, ҳар бир сўзнинг маъносини ўрганиб келинг. Мақсад – Холхўжа босмачи тўдаси ичига кириб, унинг атрофидагиларни биз томонга оғдириш». Кўрбошининг олдига Содикжоннинг кўзини қийиқча билан боғлаб олиб бориши. Холхўжа тонг отгунча жавобини бераман, деб Содикжоннинг олдига бир милтикли босмачини кўшиб кўйди. Ҳар қаерда олов ёнида тўда-тўда бўлишиб босмачилар овқат еб, чой ичиб ўтиришарди. Нарироқда кимор, ошиқ ўйнаб бор-будини ютқизиб муштлашган одамлар. Баъзи бирлари наша кайфини сурар, чой ичиб ўтирганлар олдида ўтириб Содикжон аста гап бошлади: «Одамзотнинг умри қисқа, ҳаёт кўркам ҳаммаларингни қавмкариндошинг пойлаб ўтирибди. Бегуноҳ қон тўксаларинг нариги дунёларингиз жаҳаннам. Яхши яшасангиз жаннатинг бу дунё – ёмон яшасанг дўзахинг шу дунё. Нариги дунёдан ҳеч ким келиб қандайлигини айтмаган. Куролни ташлаб уйларингта боринглар. Шўро ҳукумати ёмонлик қилмайди, бунга мен кафил». Бу гап кўпчиликка маъқул тушиб, кочишга қарор килдилар. Бундан хабар топган Холхўжа эллик навкарни уларнинг кетидан юборди. Содикжоннинг калласига Холхўжа беш минг танга ваъда қилди, лекин босмачилар уни тутолмадилар.

Қилинган иш зое кетмади. Тўданинг ярмиси таслим бўлди. Колғанлари чегарадан ўтиб Афғонистонга кетди.

Кунтарнинг бирида Йўлдош Охунбобоев бошчилигига ёш гвардиячилар номаълум қишлоққа кириб келишибди. Уларнинг штаблари бир масjidга жойлашибди. Ёнида мозор, унинг орқасида сой оқар экан. Кун қиёмига етиб қолган. Гвардиячилар Йўлдош акадан бола-чақасини кўриб келиш учун рухсат сўрашибди. Рухсат олгач тарқалишибди.

Охунбобоев ва Содикжон иккаласи қолибди. Шу пайт бир тўда босмачилар бостириб келишибди. Йўлдош ака билан Содикжон граната отиб, ўзларини дарёга ташлашибди. У ердан мозорга ўтиб яширинишибди. Отишмани эшитган аскарлар ёрдамга келиб, босмачиларни тор-мор килишибди. Охунбобоев билан Содикжон кийимларини куритиб, йўлга тушибди.

Бу пайтда Маҳбубаҳон катта бўлиб, Тошкент Медицина институтини битириб қишлоққа қайтди ва янги очилган ка-салхонада врач бўлиб ишлаётган эди. Кузда Содикжон қишилогига қайтиб келиб, Маҳбубаҳонга уйланиб Самарқандга бориб циркда орғотделига инструктор бўлиб ишга киради. Кейин эса СаҒУнинг төғ-геология бўлимига ўқишга кирди. Ўқишини битириб чикиб, кўплаб кўмуркон, тиллакон, кўргошин, мис, барит конларини очди. Содикжон кўплаб студентларни ўқитиб, уларни тоққа олиб чикиб, тошлар билан танишитирас эди. Уруш даврида катта хизмат кўрсатгани учун ҳукуматимиз мукофотлар берди. Кўп йиллар ўтгандан кейин ҳам Содикжонни шогирдлари яхши сўз билан тилга олишади. Бу одамнинг ўғиллари, набиралари ҳам геолог. Шундай одамлар туфайли бизларнинг ҳаётимиз фаровон. Содикжон оламдан ўтди, уни баланд төғ чўққисига олиб бориб кўмишди. Унинг қабри «Гўрўғли» деб аталади. Тоққа чиққан студентлар ва уларни таниган одамлар куръон ўқиб, яхши сўзлар билан эслашади. Шогирдлари қабри бошига қора гранит тош кўйишишди. Гранит ер пўстининг чукур горизонтидаги магмадан пайдо бўлган төғ жинси, кўёшда товланиб туради.

Гўрўғли отанинг ҳикояси мана шу бўлади, деб сўзини та-мом қилди Яхшибой ста.

Кападагилар чой ичиб ҳаммаси Яхшибой отадан миннатдор бўлиб, кападан чиқиб, ўз ишига тарқалди.

Кечаси чиққан ой булутлар орасидан сузиб худди бекинмачоқ ўйнагандек туюларди. Бир қоронги бўлиб, бир ҳамма ерга оппоқ нурини сочар эди. Майин шабада эркала бурган бу кеча ҳам осойишта ва тинч ўтди.

Азамат ҳали тун этагини йигиштиришга улгурмасдан, ўрнидан туриб юз қўлини ювди, оқариб келаётган тоннга қараб жилмайди, у ҳар бир тонгни интиклик билан кутарди. Кела-жакдаги ҳаёт порлоқ ва кўркам туюларди. Алп тоғларидағи ўтлок кўм-кўк майсалар орасидаги қип-қизил лолалари билан гиламни эслатар эди. Азамат кеча Яхшибой отанинг айтиб берган тарихи тъсири остида Гўрўғлининг қабрини кўргиси келди. Тоққа чиқиш учун Азамат битта арча шохини кесиб

келиб пичогини тозалаёттган пайтда олдига Собиржон келди. Калтакни нима қиласиз, деб сўраган Собиржонга Азamat тоққа чиқмокчилигини айтди. Собиржон мен ҳам бораман, деди. Иккаласи нонушта қилиб бўлгач, тоққа чикиб кетиши. Тоққа борадиган йўл тик чикиб бўртиб турган варақасимонлар устидан ўтиб серпантинга (айланма йўл) айланди ва борган сари торайиб борди. Юриш оғирлашди, пешанадан тер чикиб, кўзларга томди. Йигитлар ёнбошлаб бир одам оёғи сиғадиган йўлдан ўтганиларида орқаларига тишларнинг кирралари ботиб турар эди. Нихоят улар терраса деган озроқ кия бўлиб горизонтал тузилган текисликка чиқиши. Бу ерда улар ўтириб дам олиши ва оёқларидаги титроқ тингунича бир бурдадан нон еб олиши. Тоғ чўққисига босқичсимон ёнбағирликдан чикадиган йўл олиб борар эди. Азamat ўтирган жойидан ба-ландроқ жойда, тоғ ёригидан қоп-кора сақичга ўхшаган нарса окиб ётар эди. Бу мўмиё ўтириб дам олиши ва оёқларидаги титроқ тингунича бир бурдадан нон еб олиши. Тоғ чўққисига етиб келиши, Собиржон тошлардан ясалган ўчоқ топиб, арчани ёнида жилдираб турган булогни кўриб қолди. Тошларнинг тагидан топилган чойнакка сув қуйиб ўчоққа қўйди. Озгина ўтин топиб келиб ўт ёқиб юбориши, лекин чойнак ҳадеганда кайнамади. Азamat Собиржонга бу ҳодисани, босим паст бўлса қайнаш иссиклиги паст бўлади, деб тушунтириди. Чой қайнагунча Гўрўглининг мозорини зиёрат қилиши. Чой ичиб бўлиб атрофга назар солиши, тоғ ёнбағрида сочилиб ётган ялтироқ ойнага ўхшаган аччиқ тош парчаларини халтага солиб, уни ҳам белбоглирига бойлаб олиши.

Тоғдан тушиш чиқишидан қийин бўлди. Йигитлар калтагини орқасида иккала қўли билан ушлаб секин-секин тушишарди. Тоғдан тушиб орқаларига қараганларида қоронғи тушиб қолган эди. Мўмиёни кўрган Абдулла ака, бу жуда кучли дори, суяги синганларга, ошқозонга, куйганга, ҳамма нарсага ишлатипади. Аччиқ тош эса молларни терисини ишлаб, томок, оғиз, умуман яраларни тузатади, деди.

Шу тарзда ёз ҳам ўтиб кетди. Подаларни уйга қайтариб

колхозчилар молга алоҳида молхона қуришди. Пишган мева, узумларни жойлаштиришди. Фалла, пахтани йигиб олишди. Кеч кузда ҳамма ишлар битганда Баҳринисо хола Абдулла акаларникига меҳмон бўлиб бориб, Ҳимоятхонга Азамат тўғрисида гапиришни мақсад килиб қўйди. Баҳринисо холани кўрган Нозикой салом бериб сўрашида, онасини чақирди. Ҳимоятхон меҳмонни очик чехра билан кутиб олиб кириб кетди. Нозикой хонтахта қўйиб, атрофга икки қават кўрпача ёзди, духоба ёстиқларни ташлаб, дастурхон тузатди. Иссик чой билан бир даста пиёла олиб кирди. Тўртта нон билан қанд қўйди.

– Қизи борни нози бор, – деб гап бошлиди Баҳринисо хола, – Нозикойнинг ҳам бўйи етиб қолибди. Бизни колхозда ҳам Азаматга ўхшаган йигитлар кам. Азамат менга ўғилдек бўлиб қолди, уни шу бу йил уйлантириб қўйиш керак. Сўққа бош бўлиб ўтаверадими? Тенгини топсанг текинга бер деганлар.

Ҳимоятхон ўйланиб: «Отаси билан маслаҳатлашайчи, нима дер эканлар», – деди. Орадан бир ҳафта ўтди. Абдуллажон ака розилик билдириб, Азаматнинг уйига бир гурӯҳ йигитларни юбориб, ўйларини оқартириб, камчиликларини тузаттиргач, тўй эълон қилди. Тўйга бутун колхоз қатнашди. Азамат. Абдуллажон ака билан институтга кириш тўғрисида маслаҳат қилди. Колхоз номидан Азаматга политехника институтига йўлланма беришди. Азамат геология-разведка факультетига ўқишига кирди. Нозикой ҳам у билан бирга Тошкентта кетди, уларни кузатгани бутун қишлоқ ҷиҳди ва битириб, қишлоққа кайтинглар, сизлар бизларга жуда зарурсизлар, дейишиди.

Мундарижа

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА.....	3
ТИНЧЛИК МАНЗАРАСИ.....	4
АЗАМАТ.....	5
БАҲРИНИСО ХОЛАНИНГ ҲИКОЯСИ.....	17
БЎРИЛАР ҲУЖУМИ.....	19
ТАЖРИБАЛИ ҚИЗ.....	23
ЭНДИ ЙўЛ КОЛХОЗ ЯЙЛОВИГА.....	24
УЗУН САФАР.....	33
FOP ВОҚЕАЛАРИ.....	41
СОБИРЖОН.....	65
ГЎРЎҒЛИ ОТАНИНГ ТАРИХИ.....	68

Мұхаррір: Мағмұра Содиқова

**Нашриёт рақами: М - 262. Босишига рухсат этилди: 5.05.06
Қоғоз бичими... Офсет босма. Офсет қоғоз.
Хисоб нашриёт т. 4,2. Шартли босма т. 5. 42-бүортма,
200 нұсқада. келишилгап нархда.**

**ҮзРФААК «Фан» нашриёти: 100047, Тошкент шаҳри,
акад. Яҳё Фуломов кўчаси, 70.**

**ЎзРФААК босмахонасида чоп этилди.
Тошкент, И. Мўминов кўчаси, 13-уй.**